

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

47-сон
(859)
2018 йил
26 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

900. «Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 ноябрдаги ПФ–5580-сон Фармони
901. «Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги ПҚ–4020-сон қарори
902. «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги ПҚ–4021-сон қарори
903. «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўз

бекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон қарори

904. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4023-сон қарори
905. «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4024-сон қарори [Кўчирма]
906. «Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 ноябрдаги ПҚ-4026-сон қарори

Учинчи бўлим

907. «Кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 941-сон қарори
908. «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик шаклларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 944-сон қарори
909. «Идоралараро коллегиял органлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 948-сон қарори

Бешинчи бўлим

910. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 21 ноябрдаги 527-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2070-1*)
911. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 20 октябрдаги 286-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернатига ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3089*)
912. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қим-

матли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2018 йил 19 октябрдаги 2018-11-сон «Уюшган биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1384-7*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 17 ноябрдан 23 ноябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

900 Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини ислоҳ қилиш доирасида ҳудудларни санитар тозалаш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, маиший чиқиндиларни тўплаш ва ҳудудлардан олиб чиқишнинг самарали механизмларини жорий этиш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда.

Аҳолига санитар тозалаш хизматларини кўрсатиш кўлами ортмоқда, шу жумладан, ҳудудларда 174 та туман (шаҳар) филиалларидан иборат 13 та «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхоналари ташкил этилди, ушбу соҳага электрон танловлар асосида ҳудудларни бириктиришнинг шаффоф механизмлари орқали тадбиркорлик субъектлари фаол жалб қилинмоқда.

Чиқиндилар билан боғлиқ инфратузилма такомиллаштирилмоқда, тасдиқланган дастурлар доирасида янги чиқинди тўплаш шохобчалари қурилмоқда ва контейнерлар билан жиҳозланмоқда, чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш ишлари билан шуғулланувчи ташкилотларнинг транспорт саройлари янгиланмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудларда маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш ишларида айрим муаммоларнинг мавжудлиги чиқиндилар билан боғлиқ самарали тизимни шакллантиришга ҳамда соҳани янада ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда, жумладан:

биринчидан, тўлов интизоми даражасининг пастлиги қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатувчи ташкилотларнинг (кейинги ўринларда — хизмат кўрсатувчи ташкилотлар) молиявий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиб, асосий фондларни янгилаш ва хизматлар сифатини оширишга инвестиция киритиш имкониятларини чекламоқда, шунингдек, ушбу соҳага тадбиркорлик субъектларини жалб қилишга тўсиқ бўлмоқда;

иккинчидан, истеъмолчиларнинг ва улар томонидан тўланган тўловларнинг ягона ҳисоби амалда юритилмаяпти, бу эса ушбу соҳада нақд пул маблағлари банкдан ташқари айланишига ва уларни ўзлаштириш ҳолатларига замин яратмоқда;

учинчидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудларни са-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 23 ноябрда эълон қилинган.

нитар тозалаш ва улардаги экологик ҳолатни яхшилаш бўйича ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш учун етарли молиявий ва ташкилий имкониятларга эга эмас;

тўртинчидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик битимлари доирасида ҳамкорликнинг аниқ маъмурий ва бозор механизмлари ишлаб чиқилмаган.

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ тизимни янада ривожлантириш, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш соҳасида тўлов интизомини мустаҳкамлаш, аҳолининг сифатли санитар тозалаш хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда — Бюро) зиммасига 2019 йил 1 январдан бошлаб қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш бўйича қўшимча вазифа юклатилсин.

2. 2019 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

а) қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар аҳоли томонидан тўлов амалга оширилган ўтган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи санасидан кечикмай ягона транзит банк ҳисобварақларига тўланади ва кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус ғазна ҳисобварақларига ўтказилади;

б) хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича аҳолига кўрсатилган хизматлар учун тўлов Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузиладиган давлат-хусусий шериклик битимлари ва шартномаларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади;

в) қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўлов истеъмомчилар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартномаларга мувофиқ бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 100 фоиз олдидан тўлаш асосида амалга оширилади;

г) қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар тўлаш бўйича жисмоний шахслардан қарздорликни ундириш тўғрисидаги аризалар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси) ҳудудий органлари томонидан тўлов олти ойдан ортиқ тўланмаган тақдирда судларга киритилади;

д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус ғазна ҳисобварақларида жамланган маблағлар фақатгина Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенга-

ши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳақини марказлашган тартибда тўлашга, шунингдек, ушбу Фармоннинг 4-бандида назарда тутилган мақсадларга сарфланади.

3. Давлат экология қўмитаси ҳудудий органлари ҳузурида юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказлари (кейинги ўринларда — санитар тозалаш марказлари) 1-иловага* мувофиқ намунавий тузилма асосида ташкил этилсин.

Бунда, ҳар бир туман (шаҳар)га санитар тозалаш марказининг бир нафардан мутахассиси бириктирилиб, улар тегишли туман (шаҳар)да фаолият юритиши ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ишларига, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашга масъул эканлиги белгилансин.

Қуйидагилар санитар тозалаш марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари кўрсатилишини ташкил этиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириш мақсадида электрон танловларни уюштиришда буюртмачининг ишчи органи вазифасини амалга ошириш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловларни тўловчи жисмоний шахсларнинг (шу жумладан, улар билан бирга яшайдиган шахсларнинг) ҳаққоний ҳисоби туман (шаҳар) ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда юритилишини, шунингдек, ушбу ахборот қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизимига ўз вақтида киритилишини ташкил этиш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар ҳамда аҳолига қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш ҳақидаги шартномалар бўйича мажбуриятларнинг хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун тарифларни белгиланган тартибда шакллантиришни ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари махсус ғазна ҳисобварақларида жамланган маблағлар ҳисобидан марказлашган тўловларни амалга ошириш орқали аҳолига кўрсатилган қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳисоб-китобларни таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ҳудудларни

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

санитар тозалаш ва чиқиндилар билан боғлиқ масалалар юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориш;

Бюро, туман (шаҳар) ҳокимликлари, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш.

4. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари махсус газна ҳисобварақларида жамланган маблағларнинг:

5 фоиздан кўп бўлмаган миқдори ҳар йили тасдиқланадиган харажатлар сметаси доирасида санитар тозалаш марказлари фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилади;

5 фоизи Давлат экология қўмитаси томонидан тасдиқланадиган смета бўйича Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмаси фаолиятини молиялаштиришга, шунингдек, чиқиндилар билан боғлиқ инфратузилмани ривожлантириш тадбирларини амалга оширишга йўналтирилади.

5. Давлат экология қўмитаси 2019 йил 1 январга қадар:

Бюрога тегишли вазифалар ўтказилишини инobatга олиб, «Тоза ҳудуд» ва «Махсустрас» давлат унитар корхоналаридаги яқка тартибдаги ва кўп квартиралли уй-жойлар участкалари назоратчилари штатлар сонининг қисқартирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизими ишлашини, шунингдек, тизимга санитар тозалаш марказлари ва Бюронинг уланишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан биргаликда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловларни тўловчи жисмоний шахсларни хатловдан ўтказсин, уларга шахсий ҳисобварақлар очилишини, шунингдек, мавжуд қарздорлик тўғрисида ахборот қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизимига киритилишини таъминласин.

6. Белгилансинки, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш соҳасида:

а) Бюро қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳолидан мажбурий тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш, ушбу соҳадаги қарздорликни камайтириш учун жавобгардир;

б) хизмат кўрсатувчи ташкилотлар Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари кўрсатиш қоидаларига қатъий мувофиқ ҳолда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан тузиладиган

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар ва шартномалардаги мажбуриятларга риоя этиш учун жавобгардир;

в) Давлат экология қўмитаси:

каттик маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юритишнинг ягона электрон тизимини шакллантириш, мазкур тизимнинг бошқарилишини ва узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш;

чиқиндилар билан боғлиқ соҳадаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини белгиланган тартибда амалга ошириш учун жавобгардир;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўзларининг махсус ғазна ҳисобварақларида жамланган маблағларнинг ушбу Фармоннинг 2-банди «д» кичик бандида ва 4-бандида назарда тутилган мақсадларга ўз вақтида йўналтирилишини ташкил этиш учун жавобгардир.

7. Бюро бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда аҳоли каттик маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловларни тўлаши учун тушумларнинг ҳаққоний ҳисобини ва мониторингини юритиш имконини берадиган ягона транзит банк ҳисобварақлари очилишини таъминласин;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳоли ягона транзит банк ҳисобварақлари ҳамда каттик маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловларни аҳоли томонидан тўлаш тартиби ҳақида хабардор қилинишини таъминласин.

8. Давлат экология қўмитаси ва Бош прокуратура бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 20 декабрга қадар Каттик ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш қоидаларининг янги таҳрирдаги лойиҳасини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда:

чиқиндилар билан боғлиқ соҳадаги охириги ўзгаришларни инobatга олган ҳолда истеъмолчилар, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги янги ҳуқуқий муносабатлар тартиби;

каттик маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловларни тўловчи жисмоний шахслар ҳисобини юритиш, шунингдек, белгиланган тарифдан келиб чиқиб тўланиши лозим бўлган ойлик мажбурий тўловлар миқдорини белгилаш механизмлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги намунавий битимни ҳамда аҳолига каттик маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги намунавий шартномани тасдиқлаш назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат эко-

логия қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг мазмуни ва моҳияти, шу жумладан, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш зарурлиги, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган жавобгарлик чоралари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Давлат экология қўмитаси Адлия вазирлиги, Бюро, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу Фармонга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 ноябрь,
ПФ-5580-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 22 ноябрдаги
ПФ-5580-сон Фармони
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сон «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони:

1) 2-бандида:

учинчи хатбошисидagi «тармоқларига» сўзи «водопровод ва канализация тармоқларига, сув қувурларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «учун тўловларнинг» сўзлари «ва сув учун тўловларнинг, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун аҳолидан келиб тушадиган мажбурий тўловларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши «энергия ресурслари» сўзларидан кейин «ва сув» сўзлари билан тўлдирилсин;

олтинчи хатбоши «энергия ресурсларини» сўзларидан кейин «ва сувни» сўзлари билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энергия ресурслари ва сувни эҳтиёт қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича истеъмолчиларнинг масъулияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш чораларини кўриш»;

саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«комплекс таҳлил ўтказиш, тизимли муаммоларни аниқлаш, энергия ресурслари ҳамда сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тўловлари ҳисобкитоб қилинишини, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун аҳолидан мажбурий тўловларнинг тўланишини таъминлаш, мажбурий ижро тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш»;

2) 6-бандида:

бешинчи — тўққизинчи хатбошилар қўйидаги мазмундаги бешинчи — ўн иккинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

республика истеъмолчиларига энергия ресурслари сотишдан, шунингдек, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатишдан тушган маблағларнинг 10 фоизи;

ваколатли органлар томонидан олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкларни сотишдан, шунингдек, қарздорнинг мол-мулкани сотиш ҳисобига солиқ қарздорлигини (давлат божидан ташқари) ундиришдан тушган маблағларнинг 8 фоизи;

Бюро органлари томонидан олиб қўйилган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкларни сотишдан тушган маблағларнинг 8 фоизи;

давлат ижрочилари томонидан ундириладиган ижро йиғими маблағларининг 80 фоизи;

Бюро ходимлари томонидан қўлланиладиган ва ундириладиган жарималар суммасининг 80 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

Бюро бўлинмалари, шунингдек, прокуратура органларининг Жамғарма маблағлари ҳисобидан харид қилинган асосий воситаларини сотишдан олинган маблағларнинг 50 фоизи;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромадлар.

ўнинчи — ўн учинчи хатбошилар тегишинча ўн учинчи — ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги

ПФ–5343-сон «Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони 8-банди биринчи хатбошисидаги «сув чиқариш хизмати» сўзларидан кейин «кўрсатилган қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар» сўзлари билан тўлдирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ–3016-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида:

1) 2-банди биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб аталади) бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларининг чекланган сони 12 074 нафар, шу жумладан, марказий аппаратда 142 нафар этиб белгилансин, шундан 1 301 нафари Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан, 10 773 нафари Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади»;

2) 1 — 3-иловалар* (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси марказий аппаратининг ташкилий-штат тузилмаси, Мажбурий ижро бюроси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг намунавий ташкилий-штат тузилмаси, Мажбурий ижро бюроси туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий ташкилий-штат тузилмаси) қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

3) 4-иловада (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисидаги низом):

а) 9-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Қўйидагилар Бюронинг асосий вазифалари ҳисобланади:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, ижро ҳужжатлари ҳамда ундирилган маблағларнинг ҳаққоний ҳисобини юритиш, ижро иши юритишда сансалорлик ва суистеъмолчилик ҳолатларини олдини олиш;

электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш, водопровод ва канализация тармоқларига, сув қувурларига ноқонуний уланиш, талон-торож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

электр энергияси ва табиий газ (кейинги ўринларда энергия ресурслари деб аталади), сув учун тўловларнинг, қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун аҳолидан келиб тушадиган мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

энергия ресурслари ва сув истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимлари, шунингдек, муқобил энергия манбаларининг жорий этилиши устидан мониторинг ўтказиш;

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

энергия ресурсларини ва сувни сотиш ва истеъмоли ҳисобини юритишда иштирок этиш;

энергия ресурслари ва сувни эҳтиёт қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича истеъмолчиларнинг масъулияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш чораларини кўриш;

комплекс таҳлил ўтказиш, тизимли муаммоларни аниқлаш, энергия ресурслари ҳамда сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тўловлари ҳисобкитоб қилинишини, қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун аҳолидан келиб тушадиган мажбурий тўловларнинг тўланишини таъминлаш, мажбурий ижро тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш, суриштирув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш»;

б) 10-бандда:

«в» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тўловлари, қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлигини камайтиришни таъминлаш соҳасида:

истеъмолчилар, истеъмол қилинган энергия ресурслари, сув ҳажмлари, улар учун амалга оширилган тўловлар, юзага келган қарздорлик, шунингдек, қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун аҳоли томонидан амалга оширилган мажбурий тўловлар ҳисобини шакллантириш ва юритишда қатнашади;

истеъмолчилар, электр, газ, сув таъминоти ва канализация тармоқларига уланиш нуқталари тўғрисида, шунингдек, истеъмол қилинган энергия ресурслари ва сув ҳажмларини аниқлашда электр, газ таъминоти, водопровод-канализация хўжалиги ҳамда бошқа ташкилотлар билан маълумотлар алмашинувини амалга оширади;

энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати учун тўловларни, шунингдек, қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун аҳолидан мажбурий тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида ундирилишини ташкил қилади;

истеъмолчи — юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қарздорлиги сўзсиз ундирилишини амалга оширади, электр энергияси ва табиий газ таъминоти, водопровод-канализация хўжалиги корхоналари манфаатида қарздорликни ундириш бўйича талабнома-даъво ишларини олиб боради;

ижро ҳужжатлари асосида энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати учун тўловлар, шунингдек, қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни мажбурий ундиришни амалга оширади»;

«е» кичик бандининг биринчи ва иккинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) энергия ресурслари ва сувни эҳтиёт қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича истеъмолчиларнинг масъулияти ва ҳуқуқий маданиятини ошириш чораларини кўриш соҳасида:

энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати учун тўловларнинг, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари сўзсиз ва ихтиёрий ижро этилиши юзасидан истеъмолчиларнинг маданиятини юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўради»;

«ж» кичик бандининг биринчи — тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ж) комплекс таҳлил ўтказиш, тизимли муаммоларни аниқлаш, энергия ресурслари ҳамда сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тўловлари ҳисоб-китоб қилинишини, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун аҳолидан келиб тушадиган мажбурий тўловларнинг тўланишини таъминлаш, мажбурий ижро тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш, энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати учун тўловлар ҳисоб-китоб қилинишини, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун аҳолидан мажбурий тўловларни ундиришни таъминлаш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилади ва умумлаштиради, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

Бюро фаолиятининг натижалари, ижро иши юритиш ва энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати учун тўловларнинг, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловларнинг ундирилиши ҳақида статистик маълумотлар базасини шакллантиради ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини таъминлайди;

энергия ресурсларидан фойдаланиш, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати, қаттиқ маиший чиқиндилар соҳасида шартнома-тўлов интизомини мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва уларни тайёрлашда иштирок этади»;

в) 11-банднинг «б» кичик бандида:

биринчи хатбошидаги «энергия ресурслари» сўзларидан кейин «сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тўловлари, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловлар» сўзлари билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати истеъмоли, тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқлигини назорат қилиш ва мониторингини амалга ошириш, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловларни тўловчи жисмоний шахсларнинг ҳамда улар томонидан киритилган тўловларнинг ҳисоби тўғри олиб борили-

шини назорат қилиш учун зарур бўлган маълумотларни вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар ва фуқаролардан талаб қилиб олиш»;

тўртинчи хатбошидаги «энергия ресурслари» сўзларидан кейин «сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тўловлари, шунингдек, қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловлар бўйича қарздорликлар» сўзлари билан тўлдирилсин;

ўнинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига энергия ресурсларини ва сувни етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш, қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тўловлари ҳамда қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни мунтазам равишда амалга оширмаётган истеъмолчиларга нисбатан жамоат таъсир чораларини кўриш ҳақида тақдимномалар киритиш».

ўн иккинчи хатбошидаги «энергия ресурслари» сўзлари «энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тўловлари, шунингдек, қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўзбек тилидаги матни ўн учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«етказиб берилган энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тўловлари ҳамда қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш учун мажбурий тўловлар учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қарздорликни истеъмолчиларнинг пластик карталарига хизмат кўрсатиладиган банк ҳисобрақамларидан низосиз тартибда ҳисобдан чиқариш»;

ўн учинчи — ўн олтинчи хатбошилар тегишли равишда ўн тўртинчи — ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

г) 12-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тўловлари, шунингдек, қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини, истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш»;

д) 21-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«21. Прокуратура органлари ходимлари ўз мақомига кўра:

марказий аппарати бошқарув ходимлари;

Бюронинг ҳудудий бошқармалари бошқарув ходимлари (молия-ҳўжалик тузилмалари бундан мустасно);

туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, давлат ижрочилари, суриштирувчилар, шунингдек, Бюро бўлинмаларининг тезкор шўъбалари ва қидирув бўйича гуруҳлари (шўъбалари) ходимлари.

Ушбу ходимларга даражали унвонлар берилади ва улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Респуб-

ликаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида хизматни ўташ тўғрисидаги низомга мувофиқ хизматни ўтайдилар.

Бюронинг бошқа ходимлари фаолиятни меҳнат шартномаларига асосан, прокуратура органларига қабул қилишда қўйиладиган талаблар ҳисобга олинган ҳолда, амалга оширади. Бюронинг туман (шаҳар) бўлимлари энергия ресурслари, сув ва маиший чиқиндилар бўйича қарздорликни ундириш ва назорат қилиш гуруҳлари (шўъбалари)нинг давлат инспекторлари, қоида тарикасида, олти ой муддатга тузиладиган меҳнат шартномаларига асосан ишга қабул қилинади. Ушбу ходимлар билан меҳнат муносабатларини давом эттиришнинг асосий шarti — бириктирилган ҳудудда энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати учун тўловлар, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндилар тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловлардан қарздорликнинг камида 80 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ундирилишини таъминлаш ҳисобланади.

Мазкур банднинг олтинчи хатбошида кўрсатилган:

ходимларга Бош прокурор томонидан ўрнатилган тартибда махсус тоифалар берилади, шунингдек, уларга махсус тоифалар ва узоқ йил хизмат қилганлик учун устама ҳақи тўланади;

прокуратура органларидан ўтказилган ходимларда прокуратура органлари ходимлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқ, имтиёз ва бошқа афзалликлар сақланиб қолинади».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги ПҚ–3060-сон қарори билан тасдиқланган Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 4-банди:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бюро органлари томонидан олиб қўйилган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушган маблағларнинг 8 фоизи;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилари тегишинча бешинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3149-сон қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

1) 3-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«етказиб берилган энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати учун тўловлар, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун мажбурий тўловлар, шунингдек, ижро ҳужжатлари бўйича қарзи бўлган шахслар»;

2) 18-банднинг тўртинчи хатбошидаги «бешинчи» сўзи «олтинчи» сўзи билан алмаштирилсин;

3) 37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Мол-мулк такрорий аукционга электрон онлайн-аукцион яқунланган кундан бошлаб ўн икки иш кунидан кечиктирмасдан қўйилади. Такрорий аукцион хабарномада кўрсатилган кун ва вақтда бошланади»;

4) 46-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«биронта аукцион иштирокчиси электрон онлайн-аукционда иштирок этиш учун қўйилмаган бўлса, шу жумладан, унда иштирок этиш учун биронта буюртманомга тушмаган бўлса;

аукционда иштирок этиш учун фақат битта иштирокчи қўйилган ва у ушбу Низомнинг 48¹-бандида назарда тутилган тартибда аукцион объектини қўлга киритишни рад этган бўлса;»

учинчи — бешинчи хатбошилари тегишинча тўртинчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

5) 48-бандда:

биринчи хатбошида «тўртинчи ва бешинчи» сўзлари «бешинчи ва олтинчи» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошида «тўртинчи ва бешинчи» сўзлари «бешинчи ва олтинчи» сўзлари билан алмаштирилсин;

6) 6-боб қўйидаги мазмундаги 48¹-банд билан тўлдирилсин:

«48¹. Агар буюртманомга бериш вақти яқунланган пайтга келиб фақат бир иштирокчи томонидан буюртманомга берилган бўлса, оператор такрорий аукцион ўтказилиши кунида ушбу иштирокчига аукцион объектнинг бошланғич нархдан битта қадамга туширилган нархдаги қийматини беш иш куни ичида тўлаган ҳолда сотиб олиш ҳақидаги таклифни электрон хат билан юборади.

Агар иштирокчи мол-мулкнинг бошланғич нархдан битта қадамга туширилган нархдаги қийматини беш иш куни давомида тўлиқ тўласа, у аукцион ғолиби деб топилади ва унга мазкур Низомнинг 50-51-бандларида белгиланган тартибда аукцион натижалари ҳақидаги баённома расмийлаштирилади.

Агар аукцион иштирокчиси таклиф юборилган кундан бошлаб беш иш куни давомида мол-мулкни сотиб олиш истаги йўқлиги ҳақида операторни хабардор қилса ёки ушбу муддат ичида мол-мулкнинг бошланғич нархдан битта қадамга туширилган нархдаги қийматини тўлиқ тўламаса, у аукцион объектини олишдан бош тортган деб ҳисобланади»;

7) 55-банд «36» рақамидан кейин «48¹» рақами билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**901 Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун
қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари
тўғрисида***

Мамлакатда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигига инновацион технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳақиқий аҳвол таҳлили мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва хорижий давлатларга экспорт қилишда иссиқхона хўжаликларининг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланишга тўсқинлик қилаётган муаммолар сақланиб қолаётганидан далолат бермоқда.

Хусусан, иссиқхона комплекслари ишлаб чиқариш бўйича замонавий қувватларнинг мавжуд эмаслиги маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ускуналарни хориждан келтиришга мажбур қилмоқда, бу эса уларга сервис хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ муаммоларга ҳамда катта миқдорда куч ва маблағ сарфлашга сабаб бўлмоқда.

Замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг амалдаги механизмлари самарадорлигининг пастлиги мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, мазкур соҳага инвестициялар жалб қилиш бўйича бизнес-лойиҳаларни кенг миқёсда амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Иссиқхоналарда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлик материалларини етиштириш йўлга қўйилмаганлиги уларни хориждан импорт қилишга олиб келмоқда.

Ресурс ва энергия тежайдиган технологияларга асосланган иссиқхона хўжаликларини жадал ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, соҳани малакали мутахассислар билан таъминлаш ҳамда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмларини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида иссиқхона хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, саралаш, калибрлаш, қадоқлаш ва экспорт қилишнинг бутун занжирини ўз ичига олувчи мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кластер шаклини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жорий қилиш;

энергиянинг муқобил манбалари, энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий иссиқхона комплексларини яратиш;

иссиқхона комплексларини улар жойлашган ҳудуднинг ўзига хос хусу-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 ноябрда эълон қилинган.

сиятлари, тупрок-иқлим шароитлари, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари турлари, туташ инфратузилма ва логистика объектлари, ҳудудларнинг энергия ресурслари билан таъминланиш даражаси ва иссиқхона хўжалиги самарадорлигига таъсир этувчи бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш;

бозор конъюнктураси таҳлили асосида ва қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг замонавий усулларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилаётган экологик тоза мева-сабзавот маҳсулотлари турларини кенгайтириш;

импорт қилувчи давлатлар билан яқин алоқалар ўрнатиш ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш йўли билан мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти географиясини кенгайтириш ва ҳажмини кўпайтириш;

мазкур қарор талаблари асосида иссиқхона хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, меҳнат бозорида ушбу йўналишдаги малакали мутахассисларга бўлган талабни тўлиқ қондириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан биргаликда Замонавий иссиқхона комплекслари ташкил этиш бўйича истиқболли лойиҳалар рўйхати 1-иловага* мувофиқ шакллантирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда ёқилғи ёқиш йўли билан иссиқлик ёки электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар (мазкур қарорга 2-иловада келтирилган корхоналарни қўшган ҳолда) реестрининг шакллантирилишини;

бир ой муддатда ёқилғи ёқиш йўли билан иссиқлик ёки электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналар (биринчи навбатда давлат улуши 51 фоиз ва ундан юқори бўлган), муассасалар ва ташкилотларга туташ ҳудудларда замонавий иссиқхона комплекслари жойлаштирилишини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида таъминласин.

3. Туташ ҳудудларида биринчи навбатда замонавий иссиқхона комплексларини жойлаштириш режалаштирилаётган иқтисодиёт тармоқлари корхоналарининг рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р. Холмуродовга кўрсатилган рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ҳудудларда замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этишга қўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳлар) ташкил этилсин ва уларнинг намунавий таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида замонавий иссиқхона комплексларини жойлаштириш учун ёқилғи ёқиш йўли билан иссиқлик ёки

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга туташ ҳудудларда жойлашган бўш ер майдонларини аниқлаш;

замонавий иссиқхона комплексларини тез суръатларда ташкил этишда, уларнинг тўлақонли фаолиятини йўлга қўйишда тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий-техник кўмаклашиш.

Ишчи гуруҳлар раҳбарлари:

20 кун муддатда хатлов натижалари асосида келгусида замонавий иссиқхона комплексларини жойлаштириш мақсадида ёқилғи ёқиш йўли билан иссиқлик ёки электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга туташ ҳудудларда жойлашган аниқ ер участкаларининг рўйхатини шакллантирсин;

аниқланган ер участкалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда замонавий иссиқхона комплекслари ташкил этиш бўйича мажбуриятларни кўрсатган ҳолда электрон савдоларга қўйилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Агросаноат комплекси ва озик-овқат таъминоти соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг 2019 йилда замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш, шу жумладан, мазкур қарорнинг 1-илоvasида келтирилган лойиҳаларни амалга ошириш учун Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси, бошқа халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотларининг кредит линиялари ҳисобига 200 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган ҳажмда маблағлар жалб қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ж.А. Қўчқоров, С.Р. Холмуродов) икки ҳафта муддатда, шу жумладан, мазкур қарорнинг 1-илоvasида келтирилган замонавий иссиқхона комплексларни ташкил этиш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этадиган тижорат банкларини аниқласин ҳамда лойиҳаларнинг рентабеллиги ва иқтисодий самарадорлиги таҳлили асосида уларни амалга оширишнинг тармоқ жадвалларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. 2019-2020 йилларда замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш бўйича лойиҳалар сони ва уларни амалга ошириш учун талаб этиладиган валюта ҳажмидан қатъи назар тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар бўйича фоизларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб беришнинг қуйидаги тартиби қўлланилиши белгилаб қўйилсин:

айланма маблағларни тўлдиришга (уруғлик, кўчат, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари, кўмир, кўмир брикети, суюқ ва ёқилғининг бошқа турлари ва ҳоказоларни харид қилишга) ажратилаётган кредитлар бўйича тижорат банки томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 25 фоизи миқдорида, бироқ 5 фоизли пунктдан ортмаган даражада;

энергиянинг муқобил манбаларидан (кўмир, кўмир брикети, суюқ ва

ёқилғининг бошқа турларидан), энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш учун ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банки томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдоридан, бироқ 10 фоизли пунктдан ортмаган даражада.

Молия вазирлиги замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш учун тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар бўйича фоизларни қоплаш учун зарур бўлган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 2019-2020 йиллар давомида ўрнатилган тартибда ажратсин.

7. Юридик шахслар 2021 йил 1 январга қадар:

замонавий иссиқхона комплекслари, уларнинг бутловчи қисмлари ва гофрланган картон идиш ишлаб чиқаришда фойда солиғи, ягона солиқ тўлов ва қўшилган қиймат солиғидан озод этилсин, бўшаб қолган маблағлар ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш ва ривожлантиришга мақсадли йўналтирилсин;

замонавий иссиқхона комплекслари ва гофрланган картон идиш ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган ва белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуна, хом ашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловларидан озод этилсин (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари).

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини етиштириш бўйича Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида уруғчилик кластерларини (кейинги ўринларда — уруғчилик кластерлари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда яратилмаётган уруғчилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарорларини қабул қилсин, бунда уларнинг мазкур қарор билан белгиланаётган асосий вазифалари ва фаолият йўналишларини ҳисобга олган ҳолда қуйидагилар аниқланишини назарда тутсин:

уруғчилик кластерлари жойлаштириладиган аниқ ер майдонлари;
уруғчилик кластерлари фаолиятини молиялаштириш манбалари;
мблағлар ҳажмини кўрсатган ҳолда уруғчилик кластерларини ташкил этиш учун маблағ киритишга тайёр бўлган салоҳиятли инвесторлар;
уруғчилик кластерларини ташкил этиш учун давлат-хусусий шериклик шартлари;

уруғчилик кластерлари фаолияти самарадорлиги мониторингини юритиш механизмлари.

9. Қуйидагилар уруғчилик кластерларининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

давлат ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқ, шу жумладан, химояланган майдонларда, гидропоника ва аэропоника технологияларини қўллаган ҳолда техник, дон, дуккакли дон, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар уруғларини етиштириш, тайёрлаш ва сотиш;

махаллий ва хорижий селекция навларининг мавжуд коллекцияси асосида ҳосилдорлиги ва сифати юқори, зараркунанда ва касалликларга чидамли, қўшилган қиймати юқори бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги экинларининг навлари ва дурагайларини етиштириш тизимини яратиш;

қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари ва дурагайларини яратиш бўйича илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб боришга кўмаклашиш;

уруғчилик соҳасида кадрлар малакасини оширишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга ва таълим муассасаларига шартнома-лар асосида амалий ёрдам кўрсатиш.

10. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказининг сифатни назорат қилиш лабораторияси негизида Уруғ сифатини назорат қилиш бўйича халқаро уюшмадан (ISTA) аккредитациядан ўтказиладиган, Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан лаборатория амалиётининг халқаро стандартлари (GLP) бўйича замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг нав, генетика ва экиш сифат кўрсаткичларини баҳолаш бўйича лаборатория ташкил этилишини;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази Уруғ сифатини назорат қилиш бўйича халқаро уюшмага (ISTA) аъзо сифатида киритилишини таъминлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрсин.

б) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда:

бирламчи материаллар ва донорлар тўпланишини, танланишини ўрганиш, шунингдек, мавжуд генетик ресурслар ва замонавий селекция усулларини қўллаш асосида иссиқхона хўжаликлари учун жаҳон бозори талабларига мос келадиган, мазали сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги юқори янги навлари ва дурагайларини яратсин;

2019 йилдан бошлаб етиштиришнинг гидропоника усули қўлланиладиган иссиқхона комплекслари учун сабзавот экинларининг ҳосилдорлиги ва сифати юқори бўлган, транспортда ташишга мўлжалланган, жаҳон бозори талабларига мос келадиган навлари ва дурагайларини яратиш бўйича 5 йиллик давр учун илмий лойиҳаларнинг республика грант танловларини ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбе-

кистон Республикаси Фанлар академиясининг Самарқанд вилояти Самарқанд туманида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида юридик шахс мақомига эга бўлган қишлоқ хўжалиги ахборот-маслаҳат марказини (экстеншн марказини) (кейинги ўринларда — марказ) ташкил этиш бўйича дастлабки лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда марказ ташкил этилиши, жойлаштирилиши ва фаолияти самарали йўлга қўйилишини таъминласин.

12. Қўйидагилар:

а) марказ фаолиятининг асосий йўналишлари этиб:

қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларга ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инновацион ишланмалар ва илғор тажрибани ўзлаштириш ҳамда жорий этишда қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларга қўмаклашиш;

контингентга қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инновацион ишланмалар ва илғор тажрибани ўргатиш мақсадида семинар, тренинг, конференция ва бошқа тадбирлар (шу жумладан, «дала кунлари») ўтказиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун тайёр илмий ишланмалар тўғрисида маълумотлар базасини яратиш;

б) марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб:

фаолият соҳаси бўйича шартнома асосида бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан тушумлар;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари ҳамда кредитлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия эҳсонлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2019 йил якунига қадар дастлабки лойиҳа натижаларини таҳлил қилсин ва натижалари бўйича ижобий тажрибани бошқа ҳудудларда татбиқ этиш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб «Иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш ва юритиш», «Агрокимё ва агротупроқшунослик», «Ўсимликларни химоя қилиш» ихтисосликлари йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига бакалаврлар тайёрлаш юзасидан қабул квоталарини камида 2 баробар ошириш тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил якунига қадар Ўсимликлар миллий генофондининг иссиқхона комплекслари учун қишлоқ хўжалиги экинлари навлари билан бойитилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ахборот

технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йилнинг 1 мартига қадар иссиқхона хўжаликларининг ягона маълумотлар базаси тўлиқ ишлашини ва уларда ишлаб чиқарилган мева-сабзавот маҳсулотларининг тизимли ҳисоби юритилишини ўз маблағлари ҳисобидан таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини йўлга қўйиш учун мазкур маҳсулотларни импорт қилувчи мамлакатларнинг, биринчи навбатда, Хитой, Ҳиндистон, Корея Республикаси ва Япониянинг карантин рухсатини олишда тизимли асосда кўмаклашсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига тўсқинлик қилаётган масалаларни тезкор ҳал этиш чоратадбирларини, шу жумладан, музокаралар ўтказиш йўли билан амалга оширсин.

18. «Ўзэлтехсаноат» АК Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2022 йил охирига қадар иссиқхона комплекслари учун циркуляцион, тортувчи вентиляторлар ва бошқа ускуналар, асбоб ва жиҳозлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича чоралар кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Ўзбекизоқовқат-холдинг» ХК манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда иссиқхона комплекслари учун зарур бўлган ускуналар, асбоблар ва механизмлар рўйхатини «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясига тақдим этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси иссиқхоналар комплексларига талаб этиладиган ускуналар, асбоблар ва механизмлар ишлаб чиқариш учун «Ўзэлтехсаноат» АК томонидан тақдим этилган лойиҳа ҳужжатлари асосида чет эл инвесторларини жалб этсин.

19. Қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С.Р. Холмуродовга — ҳудудларда замонавий иссиқхона комплексларини ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг маблағларини жалб қилиш, шунингдек, замонавий иссиқхона комплексларида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва салоҳиятли инвесторларни излаш бўйича вазирликлар, идоралар ва ишчи гуруҳлар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмоновга — уруғчиликнинг замонавий тизимини шакллантириш, бирламчи уруғчилик, янги ва истиқболли навларни синаш билан шуғулланувчи уруғчилик кластерлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа корхоналар фаолиятини самарали ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Б.Т. Юсуповга — иссиқхона хўжалиги соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда тадбиркорлик субъектларига ахборот-маслаҳатлар билан кўмаклашиш, марказнинг фаолиятини самарали ташкил этиш, шунингдек, ҳокимлар билан биргаликда мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган тадбирларни самарали амалга ошириш учун;

«Ўзэлтехсаноат» АК бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи А.А. Абдуллаевга — иссиқхона комплекслари учун ускуналар, асбоблар ва механизмлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 ноябрь,
ПҚ-4020-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги
ПҚ-4020-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Туташ ҳудудларида биринчи навбатда замонавий иссиқхона
комплексларини жойлаштириш режалаштирилаётган
иқтисодиёт тармоқлари корхоналарининг
РЎЙХАТИ**

1. «Ўзбекэнерго» АЖ тизими корхоналари
2. «Ўздонмахсулот» АК тизими корхоналари
3. «Ўзкимёсаноат» АЖ тизими корхоналари
4. «Ўзшаробсаноат» АЖ тизими корхоналари
5. «Ўзпахтаёғ» АЖ тизими корхоналари

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги
ПҚ-4020-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Худудларда замонавий иссиқхона комплексларини ташкил
этишга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳларнинг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Вилоят ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини (туризмни) ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, ишчи гуруҳи раҳбари

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

3. Вилоят прокурорининг ўринбосари

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озик-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошқармаси бошлиғи

5. Вилоят қишлоқ хўжалиғи бошқармаси бошлиғи

6. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи

7. «Ўзбекэнерго» АЖ вакили

8. «Ўзкимёсаноат» АЖ вакили

9. «Ўзшаробсаноат» АЖ вакили

10. «Ўзпахтаёғ» АЖ вакили

11. «Ўздонмахсулот» АК вакили

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**902 Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамфармаси иштирокида «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, деҳқон ва фермер хўжалиklarини қўшилган қиймат яратишнинг замонавий занжирларига самарали интеграциялаш ва уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш ҳамда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамфармаси билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамфармасининг директорлар кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикасига «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) молиялаштириш учун 25 йилга 5 йиллик имтиёзли давр билан 46,2 млн. АҚШ доллари миқдоридagi кредит, шунингдек, 300,0 минг АҚШ доллари миқдоридagi грант маблағлари берилиши маъқулланди;

Лойиҳанинг умумий қиймати 84,78 млн. АҚШ доллари эквивалентини, шундан, Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳани амалга оширишдаги улуши — 38,28 млн. АҚШ долларини, шу жумладан, солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш, инвестиция даврида молиявий харажатларни тўлаш ва бошқа сарф-харажатларни молиялаштириш шаклидаги улуш — 15,76 млн. АҚШ доллари эквивалентини, Лойиҳада иштирок этаётган тижорат банкларнинг улуши — 11,28 млн. АҚШ долларини, шунингдек, Лойиҳа иштирокчилари (бенефициарлари) улуши — 11,24 млн. АҚШ доллари эквивалентини ташкил этади;

Лойиҳани амалга ошириш даври 6 йил (2018 — 2023 йиллар) этиб белгиланди.

2. Белгилансинки:

Лойиҳа Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида амалга оширилади;

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Лойиҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши, уни мувофиқлаштириш ва бошқариш, шунингдек, Лойиҳани амалга ошириш даврида мониторинг ва ҳисоботни юритиш учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади.

3. Қўйидагилар:

«Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларининг асосий кўрсаткичлари 1-иловага** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 ноябрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳаси бўйича Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси кредитидан фойдаланиш схемаси 2-иловага* мувофиқ;

«Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси кредитини сўндириш, фоиз ва комиссия тўловларини амалга ошириш прогност графиги 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳа доирасида бериладиган кредитни қайта молиялашнинг муддатлари ва шартлари, сублойиҳаларни танлаш ва уларни баҳолаш мезонларини кўрсатган ҳолда Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг кредитидан фойдаланиш ва кафолатини таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

5. Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигининг бош директори (Шоаҳмедов Ш.Ш.), Андижон (Абдурахмонов Ш.К.), Фарғона (Фаниев Ш.М.) ва Наманган (Бозаров Х.Х.) вилоятлари ҳокимлари зиммасига Лойиҳа доирасидаги тадбирларни самарали амалга ошириш учун керакли шарт-шароитларни таъминлаш, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва тартиб-таомилларига мувофиқ зарур ҳисоботлар ва ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланиши ҳамда тақдим этилишини ташкил қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига Ўзбекистон Республикаси номидан қуйидагиларни имзолаш ваколати берилсин:

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси билан молиялаштириш тўғрисидаги битимни;

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси билан Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг кредит маблағларини қайтариш кафолатини таъминлаш бўйича битимни;

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги ҳамда Лойиҳада иштирок этувчи Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари билан Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг кредит маблағларини қайта кредитлаш битимларини.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси билан Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси ўртасидаги молиялаштириш битими юзасидан ўрнатилган тартибда юридик хулоса берсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Лойиҳа доирасида консултация хизматлари учун мўлжалланган маблағлар-

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни «Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан экспертлар жалб қилинишига йўналтирсин.

9. Қуйидагилар:

Лойиҳани амалга ошириш доирасида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг кредити ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ва транспорт воситалари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимларидан ташқари), қўшилган қиймат солиғидан, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар ва йиғимлардан;

Лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари даромадлари жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқдан озод қилинсин.

Белгилансинки:

мазкур бандда берилган имтиёзларнинг амал қилиши Лойиҳа доирасида қайта молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томонидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га ҳам жорий этилади;

ушбу бандда кўрсатилган имтиёзлар натижасида бўшаган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳани амалга оширишдаги улуши деб ҳисобланади.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Р. Холмуродов, Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 ноябрь,
ПҚ-4021-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**903 Рақамли иқтисодий ва ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Кейинги вақтда рақамли иқтисодий ва ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон ҳужжат алмашинуви ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимлари босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, соҳадаги ишлар ҳақиқий аҳволининг таҳлили марказлашган маълумотлар тизимига интеграцияни таъминлайдиган ягона ахборот-технологик платформанинг мавжуд эмаслиги натижасида жорий этилаётган дастурий ҳужжатлар тарқоқ эканини кўрсатмоқда.

Рақамли иқтисодий ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, замонавий инфратузилмани қўллаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) рақамли иқтисодий ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган ҳисобланади;

рақамли иқтисодий ва ривожлантириш соҳасидаги, шу жумладан, «блокчейн» технологияларини жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириш учун инвесторларнинг маблағларини жалб этиш ва бирлаштириш асосий вазифаларидан бири ҳисобланган давлат муассасаси шаклидаги «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодий ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик), Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Агентлик, Иқтисодий ва ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Universal Mobile Systems» МЧЖ (кейинги ўринларда — оператор) устав капиталидаги давлат улушини 100 фоиз миқдорда Жамғармага бегараз асосда топшириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарма томонидан ушбу қарорга мувофиқ олинган мол-мулк юридик шахсларнинг фойда солиғи бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

операторнинг устав капиталидаги ушбу қарорга мувофиқ топширилаётган улуш юридик шахсларнинг фойда солиғига ва қўшилган қиймат солиғига тортилмайди.

4. Агентлик ва Жамғарма юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда икки ой муддатда самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари (KPI) ва мамлакатда рақамли иқтисодиётни жорий этиш учун зарур техник базани яратиш билан бир қаторда қуйидагиларни назарда тутувчи 2019 — 2021 йилларда «Universal Mobile Systems» МЧЖни ривожлантириш Концепциясини (кейинги ўринларда — Концепция) ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

операторнинг бошқарув тизимига, шу жумладан, мобиль хизматлар кўрсатиш соҳасида етарли тажрибага эга малакали мутахассисларни жалб этиш орқали инновацион менежментни жорий этиш;

ички куч ва маблағларни сафарбар этиш, телекоммуникация ускуналарини модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожланган мамлакатлар даражасида интернет глобал тармоғига уланиш имкониятлари билан имкон қадар тўлиқ қоплашни босқичма-босқич таъминлаш;

барча давлат хизматларининг фақатгина операторнинг маълумотларга ишлов бериш марказлари орқали кўрсатилишини таъминлаш.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

операторнинг устав капиталидаги топширилаётган давлат улушини бошқариш Жамғарма томонидан фақатгина Жамғарма Кенгаши билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

операторнинг устав капиталидаги давлат улушидан олинadиган даромадлар, шунингдек, мақсадли имтиёзлар беришдан бўшайдиган молиявий маблағлар Концепцияни амалга ошириш даврида технологик ускуналарни модернизация қилиш ва мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида Жамғарма ҳисобига йўналтирилади;

Концепцияда назарда тутилadиган тадбирлар операторнинг ўз маблағлари ва Жамғарма маблағлари, жалб этиладиган қарз маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Оператор 2021 йил 1 декабрга қадар муддатга телекоммуникация соҳасида фаолиятни амалга оширишга лицензия бериш учун давлат божи, радиочастоталар спектридан фойдаланиш учун тўлов, шунингдек, радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш учун эксплуатация йиғими тўлашдан озод этилсин.

7. Операторга:

фақат ўз тижорат эҳтиёжлари учун, бошқа оператор ва провайдерларга овозли телефония ва интернет трафиғи халқаро каналларини ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқисиз халқаро телекоммуникация тармоқларига (маълумотлар ва овоз узатиш тармоқларига), шу жумладан, «IP-телефония» технологиясидан фойдаланган ҳолда тўғридан-тўғри уланиш;

зиммасига юклатилган вазифаларни сифатли бажариш мақсадида Жамгарма билан келишилган ҳолда шартнома асосида мустақил хорижий, миллий консултант ва экспертларни жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификатори ишга қабул қилишда ходимлар маълумотининг энг паст даражаси, ишчилар касблари бўйича малака разрядларини белгилаш юзасидан тегишли йўналишда хорижий олий таълим муассасаларини тамомлаган мутахассисларга нисбатан қўлланиши, истисно тариқасида, тавсиявий характерга эга.

8. Вазирликнинг Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 22-уй манзилида жойлашган биноси операторни жойлаштириш учун хўжалик юритуви ҳуқуқи асосида Агентликка топширилсин.

9. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Д.Р. Ли зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 21 ноябрь,
ПҚ-4022-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**904 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида***

Товар бозорларида чинакам рақобат муҳитини яратиш ҳамда тақсимлаш тизими элементларини тугатиш, қишлоқ хўжалиги базавий тармоқларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда бозор механизмларини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Кўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 21 ноябрь,
ПҚ-4023-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги
ПҚ-4023-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2018 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон қарорининг 12¹-иловасидан 6-позиция чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон қарорида:

а) 2-бандда:

«а» кичик банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

«техник чигит — мулкчилик шаклидан қатъи назар пахта чигитини қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватига ва тегишли (мувофиқлик ва гигиеник) сертификатларга эга бўлган маҳаллий корхоналарга. Бунда сотиб олинган пахта чигитини қайта сотиш фақат биржа савдолари орқали амалга оширилади»;

«б» кичик банднинг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

«г» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) пахта чигити шелухаси ва шроти биржа савдоларида эркин реализация қилинади»;

б) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

905 Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

[Кўчирма]

Давлат ва жамият бошқаруви соҳасига замонавий ахборот-коммуникация тизимларини жорий этиш мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотлар ва ўзгаришларни самарали амалга оширишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрилаётганига қарамадан «Электрон ҳукумат» тизимининг жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишига, ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши курашишга тўсқинлик қилувчи қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан:

биринчидан, ахборотлаштириш субъектлари томонидан қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартларининг ижро этилиши устидан назорат ва текширишнинг амалдаги механизми замонавий талабларга мувофиқ эмаслиги кўрсатилаётган хизматлар сифатининг пасайишига олиб келмоқда;

иккинчидан, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга масъул ягона ваколатли органнинг мавжуд эмаслиги мазкур

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 22 ноябрда эълон қилинган.

йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг самарасизлигига сабаб бўлмоқда;

учинчидан, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жорий этилаётган аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотларни экспертиза ва сертификациядан ўтказиш тизимидаги камчиликлар уларнинг «Электрон ҳукумат» тизимига жадал интеграциялашувини сусайтирмоқда;

тўртинчидан, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизлик соҳасидаги назорат тизими, муҳим ахборот инфратузилмасининг мукамал эмаслиги давлат ахборот тизимлари объектлари, рақамли иқтисодиёт ва шахсий маълумотларнинг заифлашувига олиб келмоқда;

бешинчидан, бузғунчи кучларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернет тармоғидан фаол фойдаланиши аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг дунёқараши ва онгига салбий таъсир кўрсатмоқда;

олтинчидан, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий қилиш бўйича тизимли ишларнинг мавжуд эмаслиги миллий ахборот маконини ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари жорий қилиш имконини бермаяпти.

Ахборот соҳасида ягона давлат сиёсати рўёбга чиқарилишининг самарадорлигини ошириш, телекоммуникация, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назорат тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекцияни;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш марказини тугатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

умумий штат бирлиги 198 нафар, шу жумладан, худудий бўлинмаларда — 110 нафар бўлган Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Давлат инспекцияси);

давлат унитар корхонаси шаклида Техник қўмаклашиш маркази (кейинги ўринларда — Марказ);

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг «Хавфсиз шаҳар» жамоат тартибига қўмаклашиш маркази ташкил этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш марказининг бўшаётган 135 нафар штат бирлиги Марказга ўтказилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги хузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекциянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Марказ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади, «Хавфсиз шаҳар» лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари бундан мустасно.

Давлат инспекцияси Марказнинг таъсисчиси ҳисобланади.

5. Қўйидагилар:

а) Давлат инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари талабларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ўз ваколати доирасида почта алоқаси, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялари хизматларининг сифатли тақдим этилиши, даврий босма нашрлар, фонограммалар, аудиовизуал асарлар ва ЭҲМ учун дастурлар тарқатилишида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини таъминлаш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурлар тарқатишда (сотиш, ижарага бериш ва барчанинг эътиборига етказишда) муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, бошқа ташкилот ва идораларда «Электрон ҳуқуқ» тизимида инфратузилмани ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

иш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, интеграллашган ахборот тизимларини, маълумотлар узатиш ва алмашишнинг идоралараро тармоқларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, давлат ахборот ресурслари интеграцияси, шу жумладан, электрон давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлиги;

«охирги миля» тамойили бўйича Интернет тармоғидан кенг полосали фойдаланишни, мультисервис алоқа тармоқлари технологияларини, мобил алоқа бозорини, бошқа замонавий телекоммуникация хизматларини, шунингдек, почта алоқаси хизматларини ва даврий босма нашрлар тарқатишни кенгайтириш йўли билан телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

б) Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ахборот хавфсизлигига ҳозирги вақтдаги таҳдидлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва тўплаш, давлат органлари ва ташкилот-

лари ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларига ноқонуний кириб олиш ҳолатларининг олдини олишни таъминлайдиган самарали ташкилий ва дастурий-техник ечимларни тезкор қабул қилиш бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш;

қонун бузувчиларни, ахборотлар маконидаги рухсатсиз ёхуд бузувчи ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланиладиган методлар ва воситаларни таҳлил қилиш, идентификациялашда телекоммуникациялар тармоқларининг операторлари ва провайдерлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш;

ахборотлаштириш объектларида (давлат сирлари бундан мустасно) аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотларни, ахборот-коммуникация технологиялари, телекоммуникация жиҳозлари ва бошқа техник воситаларни аттестация, экспертиза ва сертификациядан ўтказиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурслари ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қўмаклашиш;

давлат ахборот тизимлари ва ресурслари, шунингдек, Интернет тармоғи миллий сегментининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Интернетнинг миллий фойдаланувчиларини Интернет тармоғи миллий сегментида ахборот хавфсизлигига пайдо бўлаётган таҳдидлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш, шунингдек, ахборотларни ҳимоя қилиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

6. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси ҳудудий бўлинмаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони 5 ва 6-бандлари талаблари Давлат инспекцияси томонидан амалга ошириладиган текширишларга татбиқ этилмайди.

7. Қўйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) Жорий таъминот (иш ҳақиға давлат қўшимча тўловлари ва устама пуллар сақланган ҳолда), Давлат инспекцияси ва Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, улар ходимларининг меҳнатини қўшимча

* 2 — 3-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

моддий рағбатлантириш бўйича харажатларни молиялаштириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

б) Марказ ходимларига ахборот ва киберхавфсизлик соҳасидаги алоҳида меҳнат шароитлари учун ходим лавозим маошининг камида 100 фоизи миқдорида ойлик устама белгиланади;

в) 2019 йил 1 январдан:

ахборот-коммуникация технологиялари, аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотлар, химоя воситалари ва бошқа техник воситаларга техник топшириқлар бўйича хулосалар Марказ билан мажбурий тартибда келишилади;

давлат органлари ва ташкилотларининг ахборотлаштириш объектларида (давлат сирлари бундан мустасно) жорий этиладиган ва фойдаланиладиган аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотлар мажбурий равишда Марказда аттестация ва экспертизадан ўтказилиши зарур;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ахборот-коммуникация технологиялари, аппарат воситалари ва дастурий маҳсулотлар, химоя воситалари ҳамда бошқа техник воситаларга техник топшириқлар бўйича хулосаларни Марказ билан мажбурий келишилгандан сўнг берилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекцияга бириктирилган транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкни Давлат инспекциясига;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказига бириктирилган техник ва транспорт воситалари, шунингдек, бошқа мол-мулкни Марказ балансига беғараз ўтказсин, Хавфсиз шаҳар лойиҳасини амалга ошириш учун мўлжалланган мол-мулк бундан мустасно.

12. Давлат инспекцияси ва Марказ оператив бошқарув ҳуқуқи асосида Тошкент шаҳар, Дўрмон йўли кўчаси, 31-уй манзилидаги бинода жойлаштиришсин.

13. Қўйидагилар:

«Ўзбектелеком» АКГа Марказни зарур алоқа воситалари ва юқори тезликдаги Интернет тармоғи билан таъминлаш;

«Ўзбекэнерго» АЖГа Марказга ажратилган бинони мажбурий тартибда захира қилинган узлуксиз энергия таъминоти билан таъминлаш тавсия этилсин.

14. Марказ ахборот соҳасида давлат хавфсизлигини таъминлаш учун олиб кириладиган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер

техникаси, дастурий маҳсулотлар, аппарат-дастурий комплекслар, ўқув ва лаборатория жиҳозлари, эҳтиёт қисмлар, бутловчи қисмлар ва радиодеталларга божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йигимлардан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг «Хавфсиз шаҳар» жамоат тартибига қўмаклашиш маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган идоравий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарорига мувофиқлаштирсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Раиси И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 21 ноябрь,
ПҚ-4024-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги
ПҚ-4024-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва
телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат
инспекцияси тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг (кейинги ўринларда — Давлат инспекцияси) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва фаолиятининг ташкилий асосларини, шунингдек, унинг раҳбарлари функционал мажбуриятларини белгилайди.

2. Давлат инспекцияси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш ва муаллифлик ҳуқуқлари соҳасида фонограммалар, аудиовизуал асарлар, электрон ҳисоблаш машиналари (кейинги ўринларда — ЭҲМ) учун дастурлар тарқатилишида қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширувчи маҳсус мақомга эга ваколатли давлат органи ҳисобланади.

3. Давлат инспекцияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ушбу Низомга амал қилади.

4. Давлат инспекциясининг ўз ваколати доирасида қабул қиладиган қарорлари алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш, аудиовизуал асарлар, фонограммалар, ЭҲМ учун дастурларни (сотиш, ижарага бериш ва барчанинг эътиборига етказиш) тарқатиш соҳасида фаолият юритувчи барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Давлат инспекцияси давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, бошқа ташкилотлар ва идораларда ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот ва киберхавфсизликни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати устидан назорат, мониторинг олиб бориш, уни ўрганиш ва текшириш ваколатига эга.

6. Давлат инспекцияси юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансига, Ўзбекистон Республикасининг банк муассасаларида ҳисоб рақамига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий инспекциялари юридик шахс ҳисобланмайди ҳамда ўз фаолиятини ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

7. Давлат инспекциясининг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи — Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси, қисқартирилган номи — Ўзалоқаназорат;

б) рус тилида:

тўлиқ номи — Государственная инспекция по контролю в сфере информатизации и телекоммуникаций Республики Узбекистан, қисқартирилган номи — Госинспекциясвязи;

в) инглиз тилида:

тўлиқ номи — The State Inspection for control in the field of informatization and telecommunication of the Republic of Uzbekistan.

8. Давлат инспекцияси тузилмасига:

Давлат инспекциясининг марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий инспекциялари;

«Техник қўмаклашиш маркази» давлат унитар корхонаси қиради.

Давлат инспекцияси бошлиғига, зарурат бўлганда, белгиланган штатлар сони доирасида тузилмага ва штатлар жадвалига ўзгартиришлар кириштириш ҳуқуқи берилади.

2-боб. Давлат инспекциясининг, марказий аппарат ва ҳудудий инспекцияларнинг вазифалари ҳамда функциялари

1-§. Давлат инспекциясининг вазифалари ва функциялари

9. Қўйидагилар юзасидан давлат назоратини амалга ошириш Давлат инспекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари талабларига риоя қилиш;

2) ўз ваколати доирасида почта алоқаси, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялари хизматларининг сифатли тақдим этилиши, даврий босма нашрлар, фонограммалар, аудиовизуал асарлар ва ЭҲМ учун дастурлар тарқатилишида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини таъминлаш;

3) фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурлар тарқатиш (сотиш, ижарага бериш ва барчанинг эътиборига етказиш)да муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга риоя қилиш;

4) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларида, шунингдек, бошқа ташкилот ва идораларда «Электрон ҳуқумат» тизимида инфратузилмани ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш;

5) иш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, интеграциялашган ахборот тизимларини, маълумотлар узатиш ва алмашишнинг идоралараро тармоқларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, давлат ахборот ресурслари интеграцияси, шу жумладан, электрон давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлиги;

6) «охирги миля» тамойили бўйича Интернет тармоғидан кенг поласали фойдаланишни, мультисервис алоқа тармоқлари технологияларини, мобил алоқа бозорини, бошқа замонавий телекоммуникация хизматларини, шунингдек, почта алоқаси хизматларини ва даврий босма нашрлар тарқатишни кенгайтириш йўли билан телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш.

10. Давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

1) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари талабларига риоя қилиниши юзасидан назорат соҳасида:

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензиялаш ҳақидаги қонун ҳужжатлари, лицензия битимлари бажарилиши, радиочастота спектридан фойдаланиш, почта алоқаси ва телекоммуникациялар тармоқларидаги, маълумотлар узатишдаги хавфсизлик, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик, телерадиоэшиттириш ва ахборот тизимларида хавфсизлик бўйича техник ва технологик талаблар бажарилишини назорат қилади, ўрганади ва текширади;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида лицензия талаблари ва шартларини бузган ҳолда, шунингдек, тегишли лицензияни расмийлаштирмасдан фаолиятни амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектларни аниқлайди, ўрганади ва текширади;

телекоммуникациялар, почта алоқаси, даврий босма нашрларни тарқатиш хизматларини кўрсатишда, шунингдек, телекоммуникациялар тармоқларини, шу жумладан, мобиль алоқа, радиоэлектрон воситалар, юқори частотали қурилмалар ва телекоммуникация тизимлари тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш, кенгайтириш ва фойдаланишда қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари, амалдаги нормалар ва қоидаларнинг бажарилишини назорат қилади ва текширади;

электр алоқа тармоқларининг умумий фойдаланишдаги алоқа тармоқларига уланиши қоидаларининг, жумладан, уланиш шартларининг бажарилишини назорат қилади, ўрганади ва текширади;

радиоэлектрон воситаларни, юқори частотали қурилмаларни ва телекоммуникация тизимларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиб олиш (бериш) ҳамда чет элдан олиб келиш тартибини, почта ва телекоммуникациялар тармоқлари ва иншоотларида сертификатлаштирилган асбоб-ускуналар қўлланишини назорат қилади, ўрганади ва текширади;

радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларнинг электромагнит мослашувчанлигини таъминлаш бўйича ташкилий-техник тадбирлар бажарилиши устидан назорат, текширув ва мониторинг олиб боради;

радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар радионурланишлари параметрлари, радиочастота спектридан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиниши устидан назорат, текширув ва мониторинг олиб боради, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, радиочастота спектридан фойдаланиш ва электрон рақамли имзо соҳасида мониторингни олиб бориш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

жинойт фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган ички назорат қоидаларига почта алоқаси операторлари, провайдерлари риоя этишини белгиланган тартибда мониторинг қилади, ўрганади, текширади ва назорат қилади;

почта алоқаси хизматлари ташкил этилишини, почта жўнатмаларини ва пул суммаларини сақлаш таъминланишини, почта жўнатмалари қабул қилиш, қайта ишлаш, топшириш технологияларига риоя этилишини ва уларнинг белгиланган назорат муддатларида ўтказилишини ўрганади ва текширади;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида қўлланадиган ўлчаш воситаларини текшириш ва калибрлаш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

телекоммуникациялар, почта алоқаси, телерадиоэшиттириш тармоқларида ва ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ишларининг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши юзасидан назоратни, ўрганишни ва текширувни ташкил этади;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди;

мониторинг ва текширишлар натижалари бўйича аниқланган қоидабузарликлар ҳақида тегишли қарорлар қабул қилади, кўрсатмалар беради ва уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди, шунингдек, лицензия берадиган органга хўжалик юритувчи субъектлар лицензияларининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида таклифлар киритади, Давлат инспекцияси ваколатларига кирмайдиган қоидабузарликлар бўйича материалларни белгиланган тартибда тегишли ваколатли органларга беради;

ўтказилган назорат натижаларини таҳлил қилади ва умумлаштиради, аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди, уларни тегишли давлат органларига кўриб чиқиш учун киритади;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ахборот хавфсизлигини, шу жумладан, фойдаланилиши чекланган ахборотнинг ҳимояланишини таъминлаш, ахборотни криптографик ҳимоялаш соҳасидаги фаолият тури бўйича лицензия битимлари ва маҳсулотларни сертификатлаш шартларига риоя этиш масалалари борасида давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жазо чораларини қўллайди;

2) ўз ваколати доирасида почта алоқаси, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялари хизматларининг сифатли тақдим этилиши, даврий босма нашрлар, фонограммалар, аудиовизуал асарлар ва ЭХМ учун дастурлар тарқатилишида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чораларини таъминлаш юзасидан назорат соҳасида:

республика ҳудудида жойлашган алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларда почта алоқаси, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, даврий матбуот нашрларини тарқатиш хизматлари параметрлари ва сифат кўрсаткичлари-

нинг амалдаги нормаларга мувофиқлиги юзасидан мониторинг, текширув ва назорат ўтказди;

техник воситалар ва ахборот тизимлари орқали телекоммуникациялар тармоқлари хизматларининг параметрлари ва сифат кўрсаткичларининг мувофиқлигини ўлчайди ва мониторинг олиб боради;

почта алоқаси, телекоммуникациялар ва даврий босма нашрларни тарқатиш хизматларини ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан, шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, бошқа ташкилотлар ва идоралар томонидан электрон давлат хизматларини кўрсатиш масалалари бўйича юридик ва жисмоний шахсларнинг муурожаатларини зарур ҳолатларда жойига бориб ҳамда тегишли ҳужжатларни ўрганган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқади;

ваколатли давлат органлари томонидан тартибга солинадиган тарифлар рўйхатига кирувчи почта алоқаси ва телекоммуникациялар хизматларига тарифларнинг тўғри қўлланилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширади;

кўрсатиладиган хизматлар, тарифлар, хизматлар кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги ахборотнинг, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий матбуот нашрларини тарқатиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектларнинг иш тартиби ва уларни тартибга солувчи бошқа ахборотларнинг мавжудлиги ва фойдаланувчилар учун тушунарлилигини, шунингдек, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳажмининг тўлиқлиги ва муддатларини назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий оммавий ахборот воситаларининг телерадиомахсулотларини ва даврий нашрларини тарқатиш тартибига риоя қилинишини белгиланган тартибда назорат қилади, ўрганади ва текширади;

почта алоқаси, телекоммуникациялар ва даврий матбуот нашрларини тарқатиш хизматлари сифати бўйича статистик ҳисоботларнинг ишончлилигига риоя этилишини назорат қилади ва текширади;

ҳисобланган молиявий санкциялар (жарималар)нинг белгиланган муддатларга риоя қилинган ҳолда тўланиши ва тўланаётган молиявий санкциялар (жарималар)нинг суммаси тўғрилигини назорат қилади;

алоқа махсулотлари сифатига ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, телекоммуникациялар воситалари параметрларига, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар радионурланишларига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник регламентлар, стандартлар, техник шартлар, қоидалар, йўриқномалар, лицензия талаблари ва шартлари лойиҳаларини кўриб чиқади ва улар бўйича ҳулосалар беради;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник регламентлар, стандартлар, нормалар, қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш бўйича буюртмачи функцияларини бажаради;

3) фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурлар тарқа-

тиш (сотиш, ижарага бериш, барчанинг эътиборига етказиш)да муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига ва норматив ҳужжатларга риоя қилиниши юзасидан назорат соҳасида:

фаолиятни амалга оширишда лицензия битим талаблари ва шартларининг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилишини назорат қилади, ўрганади ва текширади;

фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқларига риоя этилишини ўрганади, мониторинг қилади ва текширади, унинг яқунлари бўйича тегишли хулосалар тайёрлайди;

аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун дастурларни сотиш, ижарага бериш ва барчанинг эътиборига етказиш бўйича фаолиятни амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектларни текшириш натижаларини таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда таҳлилий материалларни Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига тақдим этади;

Интернет тармоғида муаллифлик ҳуқуқи объектлари ноқонуний тарқалишини (барчанинг эътиборига етказилишини) бартараф этиш чораларини кўради;

4) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларида, шунингдек, бошқа ташкилотлар ва идораларда «Электрон ҳуқумат» тизимида инфратузилмани ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни назорат қилиш соҳасида:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, шунингдек, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси корхоналари ва ташкилотларида «Электрон ҳуқумат» тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш жараёнларини белгиланган тартибда ўрганади, мониторинг қилади ва текширади;

«Электрон ҳуқумат» тизимида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасининг жорий ҳолатини ўрганади ва текширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, шунингдек, бошқа ташкилот ва идораларда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари талаблари бажарилишини назорат қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, шунингдек, бошқа ташкилотлар ва идораларда ахборот ресурслари ва электрон давлат хизматларининг мавжудлиги ҳамда улардан фойдаланишнинг имкони яратилганлиги устидан мониторинг ва текширув олиб боради;

5) иш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, интеграциялашган ахборот тизимларини, маълумотлар узатиш ва алмашишнинг идоралараро тармоқларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, давлат ахборот ресурслари интеграцияси, шу жумладан, электрон давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлиги юзасидан назорат соҳасида:

иш ва бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, интеграциялашган ахборот тизимлари, маълумотлар узатиш ва маълумотлар алмашишнинг идоралараро тармоқларини жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, давлат ахборот ресурслари интеграцияси ҳолатини таҳлил қилади, баҳолайди ва текширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш жараёнлари устидан олиб борилган мониторинг ва текширув натижаларини таҳлил қилади ва умумлаштиради, аниқланган камчиликларни баргараф этиш бўйича тегишли хулоса ва таклифлар тайёрлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ахборот-коммуникация технологияларининг ҳолати ва уларни ривожлантириш тўғрисида ахборотларнинг ишончилиги таъминланиши ва ўз вақтида тақдим этилишини ўрганади, текширади ва мониторингини олиб боради;

6) «охирги миля» тамойили бўйича Интернет тармоғидан кенг полосоли фойдаланишни, мультисервис алоқа тармоқлари технологияларини, мобил алоқа бозорини, бошқа замонавий телекоммуникация хизматларини, шунингдек, почта алоқаси хизматларини ва даврий босма нашрлар тарқатишни кенгайтириш йўли билан телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан назорат соҳасида:

қонун ҳужжатларига мувофиқ телекоммуникация тармоқлари, ахборотлаштириш тизимлари ва воситалари яратилиши ва ишлатилиши бўйича хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширади, ўрганади ва назорат қилади;

алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари тармоқларининг янгидан қуриладиган ва қайта қуриладиган объектларини фойдаланишга қабул қилиб олиш комиссияларида қатнашади.

Давлат инспекцияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажариши мумкин.

2-§. Давлат инспекцияси марказий аппаратининг вазифалари ва функциялари

11. Қуйидагилар Давлат инспекцияси марказий аппаратининг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) ҳудудий инспекциялар билан биргаликда Давлат инспекциясига юклатилган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш;

2) ҳудудий инспекцияларни ривожлантиришга қўмаклашиш ва уларни ривожлантириш истиқболларини белгилаш;

3) Давлат инспекциясига юкланган вазифаларни бажаришда бошқа вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш ва ҳудудий инспекциялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

4) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, ахборот хавфсизлиги ҳамда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги йўналишлар бўйича тегишли таълим муассасаларида, шунингдек, республи-

ка ваколатли органларининг ихтисослашган ўқув юртларида Давлат инспекцияси ходимлари қайта тайёрланишини ва малакаси оширилишини ташкил этиш.

12. Давлат инспекциясининг марказий аппарати ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

1) ҳудудий инспекциялар билан биргаликда Давлат инспекциясига юклатилган вазифалар ва функциялар бажарилишини таъминлайди;

2) олиб бориладиган назорат, текширув ва ўрганиш натижаларини таҳлил қилади ҳамда умумлаштиради, аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларини бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди, уларни кўриб чиқиш учун тегишли давлат органларига киритади;

3) мониторинг ва текширишлар натижалари бўйича аниқланган қоидабузарликлар юзасидан тегишли қарорлар, уларни бартараф этиш муддатлари белгиланган кўрсатмалар, хўжалик юритувчи субъектлар лицензияларининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида таклифлар, шунингдек, Давлат инспекцияси ваколатларига кирмайдиган қоидабузарликлар бўйича материалларни белгиланган тартибда тегишли ваколатли органларга топшириш учун тайёрлайди;

4) алоқа сифатига ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, телекоммуникация воситалари параметрларига, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар радионурланишларига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник регламентлар, стандартлар, техник шартлар, қоидалар, йўриқномалар, лицензия талаблари ва шартлари лойиҳаларини кўриб чиқади ва улар бўйича таклиф тайёрлайди;

5) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, шунингдек, бошқа ташкилотлар ва идораларда ахборот-коммуникация технологияларининг ҳолати ҳамда уни ривожлантириш бўйича ҳудудий инспекциялар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар ва ахборотларнинг ишончлилигини ўрганади.

Давлат инспекциясининг марказий аппарати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

3-§. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий инспекцияларининг вазифалари ва функциялари

13. Ҳудудий инспекциялар тегишли ҳудудда Давлат инспекциясига юкланган ва ушбу Низом билан белгиланган вазифалар ҳамда функцияларнинг самарали бажарилишини амалга оширади.

Бундан ташқари, ҳудудий инспекциялар:

1) юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш доирасида йиллик, чораклик ва ойлик иш режаларини ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда Давлат инспекцияси билан келишади;

2) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурларни тарқатишда

муаллифлик ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилган ишлар тўғрисида белгиланган тартибда ҳисобот ва ахборотларни тақдим этади;

3) Давлат инспекцияси иш режаларини тайёрлашда қатнашади;

4) аҳолини оммавий ахборот воситалари орқали Давлат инспекциясининг мақсадлари, вазифалари ва амалга ошириладиган фаолиятининг аниқ натижалари тўғрисида мунтазам хабардор қилиб боради.

Ҳудудий инспекциялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

4-боб. Давлат инспекцияси ва ҳудудий инспекцияларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

1-§. Давлат инспекциясининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

14. Давлат инспекцияси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, шунингдек, даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари талаблари ва кўрсатиладиган хизматлар сифати бузилиши фактлари тўғрисида маълумотлар олиш ва аниқлаш;

2) алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялари, аудио-визуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун дастурларни, даврий босма нашрларни тарқатиш (сотиш, ижарага бериш ва барчанинг эътиборига етказиш) соҳасида фаолият юритадиган хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганиш ва текшириш;

3) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларга, улар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник регламентлар, стандартлар, нормалар талаблари ва тақдим этиладиган хизматлар сифати бузилган ҳолда белгиланган тартибда молиявий санкциялар (жарималар)ни ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

4) давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва идоралардан ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотлар, ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа материалларни сўраш ва олиш;

5) алоқа, ахборотлаштириш, ва телекоммуникация технологиялари, радиочастота спектридан фойдаланиш ва даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва баённомалар тузиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш доирасида қонун ҳужжатларининг почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда эса, ушбу ҳолатлар тўғрисидаги

маълумотларни тегишли давлат назорати органларига белгиланган тартибда юбориш;

6) фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭХМ учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомаларни тузиш ва кўриб чиқиш учун судга юбориш;

7) зарур ҳолларда, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги масалаларни текшириш, ўрганиш ва кўриб чиқишда қатнашиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг мутахассислари ва экспертларини жалб этиш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш;

8) алоқа, ахборотлаштириш, ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлардан, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Давлат инспекцияси ваколатига тегишли масалалар бўйича зарур маълумотлар, материаллар ва ҳисоботларни талаб қилиш;

9) вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан, шу жумладан, илмий-тадқиқот муассасалари ва лабораториялардан ўз ваколатларини амалга ошириш учун алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасидаги техник хужжатлар, қодалар, воситаларнинг иш нормаларини олиш;

10) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш мониторингини олиб бориш;

11) эксперт хулосасини олиш учун текшириш ва мониторинг натижаларини ваколатли органларга тақдим этиш;

12) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги воситалар ва иншоотларнинг техник ҳолатини, улардан техник фойдаланиш қодаларига риоя этилишини назорат қилиш;

13) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида қурилиш нормалари ва қодалари бузилган ҳолда олиб борилаётган қурилиш ишларини аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туриш;

14) лицензия битимлари талаб ва шартлари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бузилган ҳолатларда уларга огоҳлантиришлар бериш;

15) ташкилий-ҳуқуқий шаклидан ва идоравий мансублигидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларга, юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг боришида қоидабузарликларга йўл қўйган мансабдор шахсларига давлат назорати доирасида олиб борилган ўрганишлар, мониторинг, текширишлар натижасида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

16) техник воситалар ва ахборот тизимлари орқали телекоммуникация-

лар тармоқлари хизматларининг сифатини ўлчаш ва мониторингини олиб бориш.

Давлат инспекцияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Давлат инспекцияси:

1) ўзига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши ва тақдим этиладиган таҳлилий ҳужжатларнинг ҳолисоналиги ва комплекслиги;

2) ўз ваколатига кирмайдиган қоидабузарликлар бўйича маълумотларнинг ваколатли органларга ўз вақтида тақдим этилиши;

3) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқлари соҳасида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ва уларнинг ҳимояси таъминланиши;

4) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқлари соҳасида қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун жавоб беради.

2-§. Давлат инспекцияси марказий аппаратининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

16. Давлат инспекциясининг марказий аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун Давлат инспекциясининг ҳуқуқлари билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эга:

1) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасида фаолият кўрсатувчи ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник регламентлар, стандартлар талаблари ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, республика ҳудудида фойдаланиладиган телекоммуникация воситалари, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар радионурланишлари параметрларининг мунтазам равишда бузилишига йўл қўяётган хўжалик юритувчи субъектларнинг айрим қурилмалари ва технологик участкалари ишини аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар вақтинча тўхтатиш тўғрисида қарор чиқариш;

2) радионурланишлар нормаси ва параметрлари бузилганда, шу жумладан, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини қабул қилишда тўсқинлик қилишга олиб келган ҳолатларда радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишга берилган рухсатномаларнинг амал қилишини аниқланган камчиликлар бартараф этилгунгача 10 кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш;

3) лицензия битимларининг талаб ва шартлари бузилганлиги учун лицензияларнинг амал қилишини тугатиш ва тўхтатиб туриш, уларни бекор

қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

4) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, муаллифлик ҳуқуқлари соҳасида фаолиятни амалга оширишга лицензия олиш учун ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончлилигини текшириш;

5) ҳудудий инспекциялардан Давлат инспекциясининг марказий аппаратида кўриб чиқиладиган масалаларни, шунингдек, норматив ҳужжатлар лойиҳаларини таҳлил қилиш ва ўрганиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни сўраш ва олиш;

6) зарур бўлганда, Давлат инспекциясида кўриб чиқиладиган масалаларни ўрганиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун ҳудудий инспекциялар раҳбарлари ҳамда вакиллари жалб қилиш, ушбу мақсадлар учун эксперт ва ишчи гуруҳлар тузиш;

7) ҳудудий инспекциялардан улар томонидан киритилган норматив ҳужжатлар лойиҳалари қайта ишлаб чиқилишини талаб қилиш, зарур бўлганда, уларни пухталаштириш учун қайтариш;

8) ҳудудий инспекциялар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

9) ҳудудий инспекцияларга Давлат инспекциясига юкланган ҳамда тезкор ҳал этишни талаб этадиган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

10) ҳудудий инспекциялар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари, шунингдек, Давлат инспекцияси ва унинг раҳбарияти ҳужжатлари ҳамда топшириқларини бажариш бўйича фаолиятини белгиланган тартибда ўрганиш ҳамда текшириш;

11) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари бузилишлари билан боғлиқ материалларни ваколатли органлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига белгиланган тартибда юбориш.

Давлат инспекциясининг марказий аппарати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17. Давлат инспекциясининг марказий аппарати қуйидагилар учун масъул:

1) ҳудудий инспекциялар билан биргаликда Давлат инспекциясига юкланган вазифалар ва функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини, тақдим этиладиган таҳлилий ҳужжатларнинг ҳолислигини ва комплекслилигини таъминлаш;

2) Давлат инспекцияси томонидан киритиладиган, шунингдек, ўзи томонидан қабул қилинадиган қарорларни сифатли тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш;

3) марказий аппарат ва ҳудудий инспекциялар томонидан алоқа, аҳо-

роғлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, фонограммалар, аудио-визуал асарлар, ЭҲМ учун дастурларни тарқатиш соҳасида қонун ҳужжатларига, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартларига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатлар амалга оширилишини ташкил қилиш;

4) марказий аппарат ва ҳудудий инспекциялар ходимлари резервини шакллантириш.

3-§. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий инспекцияларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

18. Ҳудудий инспекциялар ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун Давлат инспекциясининг ҳуқуқлари билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эга:

1) давлат ва хўжалик бошқаруви ҳудудий органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ҳудудий инспекцияларнинг ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

2) давлат ва хўжалик бошқаруви ҳудудий органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун ҳудудий инспекциялар ваколатига кирадиган масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;

3) Давлат инспекцияси ҳайъати ва илмий-техник кенгаши ишида қатнашиш;

4) Давлат инспекцияси топшириғига кўра алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги масалалар бўйича йиғилишлар ва семинарлар ташкил қилиш ва ўтказиш;

5) ҳудудий инспекцияларнинг моддий-техника базасини яхшилаш бўйича таклифлар киритиш;

6) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари бузилишлари билан боғлиқ материалларни ваколатли органлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига белгиланган тартибда юбориш;

7) Давлат инспекциясига ҳудудий инспекцияларнинг раҳбарлари ва ходимлари учун малака ошириш курсларини ташкил қилиш бўйича таклифлар бериш;

8) ҳудудий инспекцияларга малакали ва қобилиятли ёш ходимларни жалб қилиш.

Ҳудудий инспекциялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Ҳудудий инспекциялар қуйидагилар учун масъул:

1) худудий инспекцияларга юкланган вазифалар ва функцияларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

2) ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича аниқланган камчиликлар тўғрисидаги маълумотларни ваколатли органларга ўз вақтида тақдим этиш;

3) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқлари соҳасида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини ва уларга риоя этилишини таъминлаш;

4) алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартлари бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

5) Давлат инспекциясига киритиладиган ҳужжатлар ва таклифларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш сифати, якуний натижалари ва амалга ошириш оқибатлари;

6) Давлат инспекциясининг марказий аппарати билан биргаликда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭҲМ учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқлари соҳасида қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан назоратни таъминлаш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши.

5-боб. Давлат инспекцияси раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

20. Қуйидагилар Давлат инспекцияси бошлиғининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

2) Давлат инспекцияси фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан юкланган вазифа ва функциялар бажарилишини ташкиллаштириш;

3) Давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари билан тасдиқланган концепциялар, комплекс дастурлар ва комплекс тадбирлар бажарилишини танқидий ва пухта таҳлил қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларини бажариш;

5) ўз ўринбосарларининг ва Давлат инспекцияси бошқа мансабдор шахсларининг ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Давлат инспекцияси фаолиятининг айрим участкаларига раҳбарлик юзасидан ўз ўринбосарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини ҳамда шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

6) Давлат инспекцияси ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш;

7) Давлат инспекцияси тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Давлат инспекциясининг кадрлар захирасини шакллантириш;

8) бўш лавозимларга таклиф этилган номзодларнинг, шунингдек, Давлат инспекциясига ишга қабул қилинадиган бошқа кадрларнинг профессионалиги, чуқур билимга эгаллиги, амалий тажрибаси, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатлари юқори даражаси кафолатланганлигини таъминлаш;

9) Давлат инспекцияси фаолиятига тааллуқли бўлган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини, Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»-ги, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламенти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Регламенти талабларига қатъий мувофиқ ҳолда уларнинг тегишли вазирлик ва идораларга киритилишини ташкил қилиш, уларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

10) қонунчилик талабларига қатъий мувофиқ равишда Давлат инспекцияси раҳбарлари ва ходимларининг хизмат сафарларини ташкил этиш, хизмат сафарларининг асослилиги, самарадорлиги ҳамда натижадорлигини, сафар харажатлари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

11) ўз ўринбосарларининг, марказий аппарат бўлинмалари ва ҳудудий инспекциялар раҳбарларининг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, Давлат инспекцияси кенгаши мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини тинглаш, чорак якунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

12) Давлат инспекцияси ходимлари ва ўринбосарларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал қилиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

13) Ходимларнинг тасдиқланган одоб-ахлоқ қоидалари талабларига Давлат инспекцияси ходимлари томонидан риоя этилишини таъминлаш;

14) Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ Давлат инспекцияси фаолиятида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига кўмаклашадиган сабаблар ҳамда шароитларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

15) Давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари ишларини ташкил қилишнинг замонавий шакллари жорий этилишини таъминлаш;

16) жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишларни ташкил қилиш, аҳоли билан бевосита ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, қонунчилик билан белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг шахсий қабулларини, шу жумладан, сайёр қабулларини мунтазам олиб бориш;

17) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, Давлат инспекцияси раҳбарлари ва ходимларининг қабулхоналар фаолиятида фаол иштирок этишини ташкил қилиш, жисмоний ва юридик шахслардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келиб тушадиган мурожаатларнинг ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини таъминлаш;

18) давлат сирларига киритилган ахборот ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

19) Давлат инспекциясининг, шунингдек, унинг ҳудудий инспекцияларининг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар, қарорлар чиқариш ҳамда кўрсатмалар бериш;

20) зарур бўлганда белгиланган умумий штатлар сони доирасида Давлат инспекцияси тузилмасига ўзгартиришлар киритиш.

Давлат инспекцияси бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

21. Қуйидагилар Давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

2) Давлат инспекцияси бошлиғи вақтинчалик бўлмаганда тегишли буйруқ асосида унинг вазифаларини бажариш;

3) мутасаддилик қилинадиган марказий аппарат бўлинмалари ва ҳудудий инспекцияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита раҳбарлик қилиш, ходимлар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш;

4) Давлат инспекцияси фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирлар бажарилишини танқидий ҳамда чуқур таҳлил қилиш;

5) мутасаддилик қилинадиган марказий аппарат бўлинмалари ва ҳудудий инспекциялар томонидан вазифаларнинг бажарилишини сўзсиз таъминлаш чораларини кўриш, бошқармалар раҳбарларининг ҳисоботларини тизимли равишда эшитиш ҳамда қайд этилган кўрсаткичларга эришиш борасида уларнинг шахсий масъулиятини ошириш;

6) мутасаддилик қилинадиган марказий аппарат бўлинмалари ва ҳудудий инспекциялар раҳбарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши назоратини таъминлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, топшириқлар-

нинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун марказий аппарат бўлинмалари ва ҳудудий инспекциялар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

8) Давлат инспекцияси бошлиғининг топшириқлари ва буйруқлари ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилишини таъминлаш;

9) Давлат инспекцияси бошлиғига мутасаддилик қилинадиган марказий аппарат бўлинмаларида ва ҳудудий инспекцияларда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга доир таклифлар тақдим этиш, уларнинг профессионал даражаси, чуқур билимга, амалий тажрибага эгаллиги, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларининг юқорилиги кафолатланганини таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш чораларини кўриш, Давлат инспекциясининг кадрлар захирасини шакллантириш;

10) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш, қонун ҳужжатлари талабларига қатъий мувофиқ равишда Давлат инспекцияси томонидан тайёрланган ҳужжатларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва уларга виза қўйиш;

11) қонунчилик талабларига қатъий мувофиқ равишда хизмат сафарларида бўлиш, хизмат сафарларининг асослилиги, самарадорлиги ва натижадорлигини ҳамда хизмат сафарлари учун ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

12) мутасаддилик қилинадиган марказий аппарат бўлинмалари ва ҳудудий инспекцияларнинг раҳбарлари ҳамда ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, Давлат инспекцияси кенгаши мажлисларида уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

13) Давлат инспекцияси бошлиғига мутасаддилик қилинадиган марказий аппарат бўлинмалари ҳамда ҳудудий инспекцияларнинг раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимига нолайоқлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш бўйича таклифлар бериш, юкланган вазифалар ва функционал мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

14) Давлат инспекцияси ходимларининг тасдиқланган Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя қилишини, кўрсатилган қоидаларга мутасаддилик қилинадиган марказий аппарат бўлинмалари ва ҳудудий инспекцияларнинг раҳбарлари ва ходимлари томонидан риоя қилинишини таъминлаш;

15) Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ Давлат инспекцияси фаолиятида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига имкон берувчи сабаблар ҳамда шaroитларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали аниқлаш, таҳлил қилиш, баргараф этиш;

16) Давлат инспекцияси бошлиғига давлат хизматларининг самарадорлиги, сифати ва қулайлигини ошириш бўйича таклифлар киритиш;

17) жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишни ташкил қилиш, аҳоли билан бевосита ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, қонунчилик билан белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг шахсий қабулларини, шу жумладан, сайёр қабулларни мунтазам ўтказиш;

18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг ишида фаол қатнашиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг барча мурожаатлари ўз вақтида ҳамда тўлиқ кўриб чиқирилишини таъминлаш;

19) давлат сирлари ҳисобланган ахборот ва махфий ахборот билан ишлашда қонунчилик талабларига риоя этиш.

22. Қўйидагилар ҳудудий инспекциялар раҳбарларининг асосий функционал мажбуриятлари ҳисобланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

2) ҳудудий инспекциялар фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, ушбу ҳудудий инспекцияларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари ва қарорлари, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Давлат инспекциясининг буйруқлари, фармойишлари билан юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилишини ташкил қилиш;

3) ҳудудий инспекциялар фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларга сўзсиз эришиш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, шунингдек, Давлат инспекциясининг буйруқлари, фармойишлари бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлашга доир комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан, топшириқлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ҳудудий инспекциялар ходимларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўриш;

5) Давлат инспекцияси бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг буйруқлари ҳамда фармойишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

6) Давлат инспекцияси фаолияти соҳасига кирадиган масалалар бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш секторлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

7) ҳудудий инспекциялар фаолияти режалаштирилишини ташкил этиш, ҳудудий инспекциялар ва улар ходимларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

8) ҳудудий инспекцияларда кадрларни жой-жойига қўйиш бўйича таклифларни танлаш ва киритиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратиш, ҳудудий инспекцияларнинг кадрлар захирасини шакллантириш;

9) Давлат инспекцияси номенклатурасига кирувчи бўш лавозимларга тавсия этилган номзодларнинг, шунингдек, ҳудудий инспекцияларга ишга қабул қилинадиган бошқа кадрларнинг касбий маҳорат, чуқур билим, ама-

лий тажрибага эгаллиги, ишчанлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларининг юқорилиги кафолатланганлигини таъминлаш;

10) ҳудудий инспекциялар ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимига нолайиклиги масалаларини кўриб чиқиш, уларнинг шахсий масъулиятини оширишга доир тизимли чораларни амалга ошириш;

11) Давлат инспекцияси ходимларининг тасдиқланган Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига ҳудудий инспекциялар ходимлари томонидан риоя этилишини таъминлаш;

12) Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ Давлат инспекцияси тизимида коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, уларнинг содир этилишига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонунчиликни такомиллаштириш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш орқали аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф этиш;

13) прогноз кўрсаткичлар бажарилишини тизимли таҳлил қилиш, Давлат инспекциясининг назорат қиладиган ўринбосарларига ҳудудий инспекциялар томонидан белгиланган кўрсаткичларга сўзсиз эришилишини таъминлашга қаратилган кўшимча чоралар кўриш бўйича таклифлар киритиш;

14) ҳудудий инспекциялар ходимларининг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиш, мажлисларда уларнинг шахсий ҳисоботларини эшитиш, яқунлари бўйича зарур чоралар кўриш;

15) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳоли билан бевосита ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, белгиланган муддатларда ва тартибда жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг шахсий қабуллари, шу жумладан, сайёр қабулларини мунтазам ўтказиш;

16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш, уларнинг ишида фаол қатнашиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан келиб тушадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳамда тўлиқ кўриб чиқиш;

17) давлат сири бўлган маълумотларнинг ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш.

6-боб. Давлат инспекцияси раҳбарларининг жавобгарлиги

23. Давлат инспекцияси бошлиғи қуйидагилар учун шахсан жавобгардир:

1) Давлат инспекциясига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

2) Давлат инспекциясининг ушбу Низом 15-бандида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 20-бандида кўрсатилган ўз функционал мажбуриятларининг сифатли бажарилиши.

24. Давлат инспекцияси бошлигининг ўринбосарлари қуйидагилар учун шахсан жавобгардир:

1) мутасаддилик қилинадиган бўлинмалар ва ҳудудий инспекциялар томонидан Давлат инспекциясига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши;

2) ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган Давлат инспекцияси жавобгарлик соҳаларининг ўзи назорат қиладиган масалалар қисми;

3) ушбу Низомнинг 21-бандида кўрсатилган ўз функционал мажбуриятларининг сифатли бажарилиши.

25. Ҳудудий инспекциялар бошлиқлари қуйидагилар учун шахсан жавобгардир:

1) ҳудудий инспекцияларга юкланган вазифалар ва функциялар амалга оширилиши;

2) ҳудудий инспекцияларнинг ушбу Низом 19-бандида назарда тутилган жавобгарлик соҳалари бўйича;

3) ушбу Низомнинг 22-бандида кўрсатилган ўз функционал мажбуриятларининг сифатли бажарилиши.

7-боб. Давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш

1-§. Давлат инспекциясига раҳбарлик қилиш

26. Давлат инспекциясига белгиланган тартибда лавозимга тайинландиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

27. Давлат инспекцияси бошлиғи унинг буйруғи билан лавозимга тайинландиган ва лавозимдан озод қилинадиган уч нафар ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарига эга бўлади.

28. Давлат инспекцияси раиси мақоми, моддий таъминоти, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш бўйича вазирга, унинг ўринбосарлари эса тегишлича вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

29. Давлат инспекцияси бошлиғи Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштириш кенгашининг аъзоси ҳисобланади.

30. Ҳудудий инспекцияларга Давлат инспекцияси бошлиғи томонидан лавозимга тайинландиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқлар раҳбарлик қилади.

2-§. Давлат инспекцияси марказий аппарати бўлинмаларининг ҳудудий инспекциялар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби

31. Давлат инспекцияси марказий аппарати бўлинмаларининг раҳбарлари марказий аппарат бўлинмаларининг ҳудудий инспекциялар билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

32. Давлат инспекцияси марказий аппаратининг бўлинмалари ҳудудий инспекциялар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш доирасида:

1) топшириқларни ҳудудий инспекцияларга етказди, уларнинг бажарилишини назорат қилади;

2) ҳудудий инспекциялар фаолиятини ўрганади ва умумлаштиради, уни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

3) ҳудудий инспекциялар фаолиятини ташкил этиш ва унинг натижалари тўғрисидаги ҳисобот, ахборот материаллари ҳамда статистика ва бошқа маълумотларни ўрганишни ташкил қилади;

4) ҳудудий инспекцияларнинг иш режаларини таҳлил қилади, уларнинг фаолиятини режалаштиришни такомиллаштириш чораларини кўради;

5) ҳудудий инспекциялардан келган таклифларни кўриб чиқади;

6) ҳудудий инспекцияларнинг норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашдаги иштирокини ташкил қилади, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича улардан келган таклифларни кўриб чиқади;

7) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензиялаш ҳақидаги қонун ҳужжатлари, лицензия битимлари бажарилиши, радиочастота спектридан фойдаланиш, почта алоқаси ва телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш, телерадиоэшиштириш тармоқларида, ахборот тизимларида хавфсизлик бўйича техник ва технологик талаблар бажарилиши устидан назоратни ташкил этади;

8) ҳудудий инспекциялар ходимларини алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, ахборот хавфсизлиги ва ахборотни ҳимоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги йўналишлар бўйича тегишли олий таълим муассасаларида, шунингдек, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади.

33. Ҳудудий инспекциялар Давлат инспекцияси марказий аппаратининг бўлинмалари билан ҳамкорлик қилади, шу жумладан:

1) Давлат инспекцияси раҳбариятининг топшириқлари бажарилиши тўғрисида ахборот беради;

2) марказий аппаратга алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, даврий босма нашрларни тарқатиш соҳасидаги қонунчилик, норматив ҳужжатлар ва давлат стандартларини бажариш бўйича фаолият натижалари тўғрисида ахборот тақдим этади;

3) ҳудудий инспекциялар фаолиятини ўрганиш ва текширишлар натижасида аниқланган камчиликлар ҳамда қонунбузарликларни бартараф этиш натижалари тўғрисида ахборот беради;

4) Давлат инспекциясининг марказий аппаратига белгиланган тартибда ва муддатларда ўз фаолияти натижалари тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади;

5) Давлат инспекциясининг марказий аппаратига алоқа сифатини яхшилаш бўйича таклифлар юборади;

6) ўз фаолиятининг ваколатли органлар томонидан текширилиши натижалари ҳақида хабардор қилади.

34. Марказий аппарат бўлинмалари ва ҳудудий инспекцияларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган келишмовчиликлар Давлат инспекцияси бошлиғининг топшириғига биноан унинг тегишли ўринбосари томонидан кўриб чиқилади. Келишмовчиликлар кўриб чиқилгандан сўнг ҳам ҳал этилмаган тақдирда, улар юзасидан қарор бевосита Давлат инспекцияси бошлиғи томонидан қабул қилинади.

3-§. Давлат инспекциясининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби

35. Давлат инспекцияси ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

36. Давлат инспекцияси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

37. Давлат инспекцияси фойдаланилиши чекланган ахборотнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш, фаолият турига доир лицензия битимлари шартларига риоя қилиш, ахборотни криптографик муҳофаза қилиш, шу жумладан, фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭХМ дастурларини тарқатишда муаллифлик ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги маҳсулотларни сертификатлаш масалалари бўйича хўжалик юритувчи субъектлар, бошқа ташкилотлар ва идоралар билан биргаликда ишлайди.

38. Давлат инспекцияси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик, радиочастота спектрдан фойдаланиш, электрон рақамли имзо ва фонограммалар, аудиовизуал асарлар, ЭХМ учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқлари соҳасида мониторинг олиб бориш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

39. Ҳудудий инспекциялар ўз ваколатлари доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқармалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

8-боб. Давлат инспекцияси фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ҳамда иш кўрсаткичлари

40. Давлат инспекцияси фаолиятининг самарадорлиги мунтазам баҳолаб борилади.

41. Давлат инспекцияси фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорли-

ги Давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган самарадорлик ва натижадорлик мезонлари ҳамда иш кўрсаткичлари асосида баҳоланади.

42. Давлат инспекцияси фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш яқунлари бўйича:

Давлат инспекцияси раҳбарлари ва ходимларига нисбатан рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки тегишли интизомий жавобгарлик чоралари;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг Давлат инспекциясидаги фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўрилади.

9-боб. Давлат инспекцияси фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш

43. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маблағлар Давлат инспекцияси фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

Жорий таъминот (иш ҳақиға давлат қўшимча тўловлари ва устама пуллар сақланган ҳолда), Давлат инспекцияси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимларнинг меҳнатини қўшимча моддий рағбатлантириш бўйича харажатларни молиялаштириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган смета доирасида амалга оширилади.

44. Давлат инспекцияси ходимларининг меҳнатини қўшимча моддий рағбатлантириш Давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган смета доирасида амалга оширилади.

Бунда Давлат инспекцияси ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш тўғрисидаги Низомда уларнинг лавозим маошларига меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун 200 фоиз ойлик устама белгиланиши кўзда тутилади.

45. Давлат инспекциясининг марказий аппаратига 8 та, шу жумладан 4 та бириктирилган, 2 та навбатчи, 2 та махсус автомобиль, ҳудудий бошқармаларга — 14 та махсус автомобилдан иборат хизмат автомобиль транспорти лимити кўзда тутилади.

Хизмат автомобилларининг йиллик йўл босиш лимити 36 500 км этиб белгиланади.

10-боб. Яқунловчи қоида

46. Давлат инспекцияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**906 Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнги йилларда бозор ислохотларини изчил чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Иқтисодий тараққиётнинг бугунги босқичи тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларига, инвестицияларни жалб этишга ва илғор бизнес лойиҳаларни молиялаштиришнинг янги механизмларига бўлган кучли эҳтиёжини юзага келтирмоқда.

Шу билан бирга, гаров билан таъминланган кредиторлар талабларини кредит маблағлари қайтарилишининг кафолати ҳисобланган гаровдаги мол-мулк қийматидан қондириш тизимининг самарасизлиги қўшимча маблағ жалб этиш имкониятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қонунчиликда белгиланган имконият бўлишига қарамай, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан автотранспорт воситаларидан бошқа кўчар мол-мулкни гаров сифатида қабул қилиш, шунингдек, гаров предмети қиймати кредит миқдоридан анча кўп бўлса ҳам, навбатдаги гаровни қабул қилиш амалиёти қўлланилмаяпти.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва юритишга бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Марказий банкнинг 2019 йил 1 январдан қуйидаги тартибни ўрнатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

гаров билан таъминланган кредиторлар талабларини гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан қондириш қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда гаров реестрига қарздорнинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ёзув киритилган санага кўра календарь кетма-кетлигида амалга оширилади. Бунда, ушбу тартиб қарздорнинг ҳисобварағидаги пул маблағлари унга қўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатига татбиқ этилмайди;

гаров реестрига қарздорнинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида ёзув киритган кредитор-гаровга олувчилар ўз талабларини қондиришда га-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 23 ноябрда эълон қилинган.

ров реестрига тегишли ёзувни киритмаган кредитор-гаровга олувчиларга нисбатан устувор ҳуқуққа эга бўладилар;

мол-мулкни харид қилишни уни таъминот сифатида қўйиш эвазига молиялаштирган кредитор гаров реестрига тегишли ёзувни киритган тақдирда, ушбу мол-мулк ҳисобидан ўз талабларини қондиришда устувор ҳуқуққа эга бўлади;

навбатдаги гаровга қўйишга гаров реестрига тегишли ёзувни киритиш шarti билан аввалги гаровга олувчининг розилигисиз рухсат этилади;

гаровга қўювчи томонидан гаров предметини ижарага беришга гаров реестрига тегишли ёзувни киритиш ва бу ҳақда гаровга олувчини хабардор этиш шarti билан гаровга олувчининг розилигисиз рухсат этилади.

2. Қўйидагилар:

шартномада ўзгача қоида белгиланган бўлмаса, қарздорнинг мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун тақдим этилган мол-мулкдан фойдаланиш ёки уни сотишдан олинган ҳосил ва даромадларга (тушумга) кредиторнинг устувор ҳуқуқи;

лизинг, бўлиб-бўлиб тўлашни назарда тутувчи олди-сотди, ижара ёки бошқа битимлар объекти бўлган ҳамда ушбу битимларда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш учун қўйилган мол-мулкка (мулк ҳуқуқига) гаров учун белгиланган ундирув қаратиш тартиби;

ёзма битим мавжуд бўлган тақдирда, гаров предмети ёки кредиторнинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш предмети сифатида қўйилган кўчар мол-мулкка ундирувни қаратишга суд буйруғи институти татбиқ этилсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

мол-мулк билан таъминланадиган мажбуриятни шу мол-мулк қийматидан қопланишини мумкин бўлган мажбуриятнинг максимал суммасини кўрсатиш йўли билан аниқлашга рухсат этилади;

мажбуриятлар бажарилишини мол-мулк билан таъминлашни назарда тутадиган битимлар, шу жумладан, гаров шартномаси мажбуриятлар бажарилишининг мулкӣ таъминоти предметини батафсил баён қилмасдан, уни умумий тавсифлаш орқали, жумладан, алоҳида тоифа бўйича тузилиши мумкин;

гаровга олувчилар ва бошқа кредиторларнинг талаб қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун гаровга қўйилган ҳамда уларнинг талаблари бўйича ундирув қаратилган мол-мулк кредитга, бўлиб-бўлиб тўлашга, лизингга ёки қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа битимлар орқали реализация қилиниши, ижарага берилиши мумкин, суд қарорлари ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мол-мулкни мажбурий реализация қилиш ҳоллари бундан мустасно.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни қоплаш бўйича талаблар тўғрисидаги ёзувлар гаров реестрига ўз вақтида киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ой муддатда юридик

ва жисмоний шахслардан гаров реестрига ёзув киритиш учун, шунингдек, гаров реестридан кўчирма бериш учун ундириладиган тўловлар микдорини камида икки баробар камайтиришни назарда тутадиган қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур қарорнинг норма ва талабларини амалга оширишни назарда тутадиган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Адлия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритишни ташкил этсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 23 ноябрь,
ПҚ-4026-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

907 Кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 25 майдаги ПҚ–3741-сон қарори ижроси юзасидан ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 25 майдаги ПҚ–3741-сон қарори билан 2019 йил 1 январдан бошлаб кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлаш фақат «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган, қатъий ҳисобот бериладиган гербли (махсус) бланкаларда (кейинги ўринларда гербли бланкалар деб аталади) амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

гербли бланкалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланади;

кўчмас мулкни айирбошлаш шартномасининг икки нусхаси, кўчмас мулк билан боғлиқ қолган барча битимларнинг бир нусхаси гербли бланкаларда расмийлаштирилади.

3. Кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни гербли бланкаларда нотариал тартибда тасдиқланганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдоридан герб йиғими ундирилади.

Герб йиғимидан тушадиган маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

50 фоизи — туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадига;

50 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг газначи-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 23 ноябрда эълон қилинган.

лик ҳисоб рақамларига ўтказилади ва гербли бланкалар тайёрлашга, бошқа шахсга бериш тақиқланган ёки хатлаб қўйилган кўчмас мулклар тўғрисидаги электрон маълумотлар банкини яратишга, шунингдек, адлия органлари ва муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

4. Бошқа шахсга бериш тақиқланган ёки хатлаб қўйилган кўчмас мулклар тўғрисидаги электрон маълумотлар банкини шакллантириш тартиби манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда тасдиқланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

бошқа шахсга бериш тақиқланган ёки хатлаб қўйилган кўчмас мулклар тўғрисидаги электрон маълумотлар банкини шакллантирсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 ноябрь,
941-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**908** Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик шакллари янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ–3651-сон қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш шаклини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш шаклидаги давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш шаклидаги давлат-хусусий шериклик:

хусусий шерикнинг ташаббуси билан тақдим этилган ҳужжатларни ўрғаниш асосида танлов ўтказилмасдан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш орқали амалга оширилади;

лойиҳани амалга ошириш доирасида нодавлат таълим муассасасини ташкил этиш бўйича битим тузган хусусий шерикка Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ–3651-сон қарорида белгиланган имтиёзлар татбиқ этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги:

бир ҳафта муддатда хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш шаклидаги давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги намунавий битим лойиҳасини ишлаб чиқсин;

бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 23 ноябрда эълон қилинган.

публикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 ноябрь,
944-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 22 ноябрдаги 944-сонли қарорига
ИЛОВА

**Хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда
нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш
шаклидаги давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш шаклидаги давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом билан тартибга солинмаган давлат-хусусий шерикликнинг ушбу шаклини амалга оширишдаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ–3651-сон қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги низом қоидалари асосида тартибга солинади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

давлат-хусусий шериклик — хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш шаклидаги давлат шериги ва хусусий шерикнинг аниқ муддатга юридик расмийлаштирилган мактабгача таълим соҳасидаги ўзаро самарали ҳамкорлиги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда битим деб аталади) — хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этишга қаратилган томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ижро этишнинг бошқа шартларини белгилаб берадиган давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида тузилган ёзма шартнома;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси (кейинги ўринларда лойиҳа деб

аталади) — хусусий шерикка тегишли бўш турган ер участкалари, қурилиши тугалланмаган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ёки жиҳозланадиган бино ва иншоотлар негизида нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим объекти — хусусий шерикка тегишли бўш турган ер участкалари, қурилиши тугалланмаган, реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган ёки жиҳозланадиган бино ва иншоотлар;

давлат шериги — Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги;

хусусий шерик — давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш бўйича битим тузган ёки битим тузиш истагини билдирган юридик шахс. Давлат ташкилотлари хусусий шерик бўла олмайди, шунингдек, хусусий шерик тарафида иштирок эта олмайди;

ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар — кам таъминланган оилалар, оила аъзолари ногирон бўлган оилалар, боқувчисини йўқотган оилалар, болалинг ота-онаси квоталар бўйича минтақаларга ишга юборилган ижтимоий соҳа ходимлари бўлган оилалар.

3. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси хусусий шерикнинг ташаббуси билан ва у томонидан такдим этилган ҳужжатларни ўрганиш асосида танлов ўтказилмай тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш орқали амалга оширилади.

4. Хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш шаклидаги давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартиби ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини таклиф этиш тартиби

5. Давлат хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш истагини билдирган талабгор Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига қўйидагиларни илова қилган ҳолда ариза беради:

ер участкасига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

бинога бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси (мавжуд бўлган тақдирда);

ариза такдим этиладиган кундан узоғи билан бир ой олдин солиқлар, йиғимлар, бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик ҳамда бошқа молиявий санкциялар йўқлиги тўғрисида маълумот;

лойиҳа қийматининг камида 25 фоизини молиялаштириш бўйича хусусий шерикнинг имкониятини тасдиқловчи ҳужжат ёки бошқа ташкилотнинг кафиллиги;

ташқил этиш режалаштирилган нодавлат мактабгача таълим муассасаси биносининг белгиланган тартибда тасдиқланган ва келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари;

худуддаги экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат санитария-эпидемиология назорати органларининг мактабгача таълим муассасасини қуриш бўйича хулосалари;

нодавлат мактабгача таълим муассасаси биносини қуриш учун дастлабки техник-иқтисодий кўрсаткичлар.

6. Хусусий шерикнинг лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги аризаси давлат шериги томонидан ариза тушган кундан бошлаб 15 кун ичида кўриб чиқилади.

Лойиҳани амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида 7 кун мобайнида битим тузилади. Битимда унинг амал қилиш муддати 30 йил этиб белгиланади.

Худуддаги экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат санитария-эпидемиология назорати органларининг мактабгача таълим муассасасини қуриш бўйича берилган асосланган салбий хулосалари билан таклиф этилган лойиҳалар давлат шериги томонидан 3 кун ичида рад этилади.

3-боб. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишда томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

7. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишда хусусий шерик қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мактабгача ёшдаги болалар учун тўғараклар ва бошқа таълим хизматларини ташқил этиш;

хар бир тарбияланувчи учун давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган харажатлар суммасининг 50 фоизигача миқдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан белгиланган тартибда субсидиялар олиш;

фойда олиш;

битим шартлари давлат шериги томонидан бузилган тақдирда битимни суд тартибида бекор қилиш.

Битимга мувофиқ хусусий шерик бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишда хусусий шерик қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

битим амал қиладиган бутун муддат давомида тарбияланувчилар умумий сонининг 25 фоизи миқдорида ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандларини ота-оналар тўловини тегишли худуддаги давлат мактабгача таълим муассасалари учун белгиланган ҳажмлардан ошмайдиган миқдорда белгилаган ҳолда имтиёзли қабул қилиш;

нодавлат мактабгача таълим муассасаси биносини қуриш, қурилишини тугаллаш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш

учун лойиха умумий қийматининг 25 фоизи миқдорида ўз маблағларини киритиш;

фаолияти давомида қонун ҳужжатлари талабларига, шу жумладан, давлат таълим талабларига риоя қилиш;

битим амал қиладиган бутун муддат давомида нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолият турини ўзгартирмаслик;

нодавлат мактабгача таълим муассасасида санитария қоидалари ва нормаларига, гигиена нормативларига риоя қилиш;

нодавлат мактабгача таълим муассасасини юқори малакали педагогик ва бошқа кадрлар билан тўлдириш, ўқув-тарбия жараёнини қонун ҳужжатларига қатъий мувофиқ ҳолда ташкил этиш чораларини кўриш;

тарбиялаш ва ўқитишнинг юқори сифатини таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, истеъдодли болаларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

ўқитишнинг инновацион педагогик шакллари, усуллари ва замонавий технологияларидан фойдаланиш асосида мактабгача таълим соҳасидаги таълим жараёнининг самарадорлигини ва натижадорлигини ошириш чораларини кўриш;

тарбияланувчиларнинг ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатиш, ўқитиш муддатлари ва шартларини, томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ҳамда бошқа шартларни улар билан келишган ҳолда белгилаш.

Битимга мувофиқ хусусий шерикка бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

Хусусий шерик томонидан битим муддати тугамасдан туриб битим объекти тасарруф этилишига йўл қўйилмайди.

9. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишда давлат шериги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хусусий шерикдан ҳар чоракда битим шартларини бажариш юзасидан ахборот олиш;

битим шартларини бажариш жараёни устидан мониторинг олиб бориш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга оширилиши ҳолатини баҳолаш;

қонун ҳужжатларига ва битим шартларига риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш доирасида аниқланган камчиликлар хусусий шерик томонидан бартараф этилишини талаб қилиш;

битим шартлари хусусий шерик томонидан бузилган тақдирда, битимни суд тартибида бекор қилиш.

Битимга мувофиқ хусусий шерик бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишда давлат шериги қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олиши мумкин:

хусусий шерикнинг лойиҳани амалга оширишга маблағи етарли бўлмаса, унга имтиёзли кредитлар олишда қўмаклашиш;

хусусий шерикка мактабгача таълим соҳасида услубий ва консултив ёрдам кўрсатиши;

хусусий шерикнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашмаслик.

Битимга мувофиқ давлат шериги зиммасига бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

11. Хусусий шерик томонидан битим шартларига амал қилинмаслиги оқибатида битим белгиланган тартибда бекор қилинса:

лойиҳани амалга ошириш доирасида хусусий шерикка ажратилган имтиёзли кредит тегишли банкнинг тижорат кредитлари учун белгиланган фоиз ставкаси асосида қайта ҳисоблаб чиқилади ва оширилган фоиз ставкасида қайтарилади;

сўндирилган кредитлар бўйича ҳисобланган фоиз ставкалари ҳам қайта ҳисоб-китоб қилиниб, етказилган зарар хусусий шерикдан ундирилади;

солиқ ва божхона тўловлари бўйича қўлланилган имтиёзлар ҳам қайта ҳисоб-китоб қилиниб, хусусий шерик томонидан қопланади.

4-боб. Яқунловчи қоида

12. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш шаклидаги давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Хусусий шерикка тегишли ер ва бино-иншоотларда нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш шаклидаги давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартибининг СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Талабгор	Давлат хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш бўйича Мактабгача таълим вазирлигига ариза билан мурожаат қилиш.	Талабгор хоҳишига кўра
2-босқич	Мактабгача таълим вазирлиги	Талабгор томонидан лойиҳа бўйича тақдим этилган ҳужжатларни белгиланган тартибда кўриб чиқиш.	Ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб 15 кун мобайнида
3-босқич	Мактабгача таълим вазирлиги	а) Лойиҳани амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, музокаралар асосида битим тузиш.	Қарор қабул қилинган кундан эътиборан 7 кун мобайнида
		б) Худуддаги экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, давлат санитария-эпидемиология назорати органларининг асосланган салбий хулосалари билан таклиф этилган лойиҳани рад этиш.	Ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида
4-босқич	Мактабгача таълим вазирлиги	Лойиҳанинг амалга оширилишини ўрганиш ва назорат қилиш.	Доимий равишда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**909 Идоралараро коллегиял органлар тўғрисидаги низом-
ни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Идоралараро коллегиял органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 августдаги ПФ–5527-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, идоралараро коллегиял органлар фаолиятининг самардорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Идоралараро коллегиял органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 августдаги ПФ–5527-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан тузилган идоралараро коллегиял органлар тубдан қисқартирилганлиги ҳамда уларни оптималлаштириш чора-тадбирлари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Идоралараро коллегиял органлар тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосарлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 22 ноябрь,
948-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 23 ноябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 22 ноябрдаги 948-сон қарорига
ИЛОВА

Идоралараро коллегиял органлар тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом идоралараро коллегиял органларнинг (кейинги ўринларда коллегиял органлар деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, шунингдек, коллегиял органлар фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Коллегиял орган ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажаришда идоралараро ҳамкорликни таъминловчи ҳамда ушбу орган ва ташкилотларга ташкилий-амалий, услубий, илмий ва бошқа жиҳатдан кўмаклашувчи доимий ёки вақтинчалик жамоатчилик асосида фаолият юритадиган маслаҳатлашув органи ҳисобланади.

3. Коллегиял органлар ҳудудий тегишлилигига қараб республика ва ҳудудий миқёсда, шаклига кўра эса — комиссия, кенгаш, кўмита, ишчи гуруҳ ва бошқа кўринишдаги коллегиял органлар сифатида ташкил этилиши мумкин.

Коллегиял органларнинг шакли ва унинг ишчи органи мазкур органларга юклатилаётган вазифаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб коллегиял органларни ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатларда белгиланади.

4. Коллегиял органлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

5. Коллегиял органлар ўз фаолиятини амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг идоралараро ҳамкорлиги мустақиллик, ўзига бўйсунувчи соҳада самарали фаолият юритиш ва вазифаларнинг лозим даражада бажарилиши учун раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги тамойилларига асосланади.

2-боб. Коллегиял органларнинг асосий вазифалари

6. Қўйидагилар коллегиял органларнинг асосий вазифалари ҳисобланади: ўзига юклатилган масалаларни ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ўзаро келишилган фаолият юртишини таъминлаш;

ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига юклатилган масалалар ва функцияларни бажариш борасида ташкилий-амалий, услубий, илмий ва бошқа жиҳатдан кўмаклашиш;

идоралараро ҳамкорликни талаб қилган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, комплекс таҳлил қилиш ва ҳал қилиш учун ваколатли давлат органлари ва ташкилотларга асослантирилган таклифлар киритиш.

Коллегиал органларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

3-боб. Коллегиал органларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Коллегиал органлар ўзларига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан зарур ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур статистик ахборотни давлат статистика органларидан бепул асосда олиш;

ўз ваколатига кирадиган масалаларда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

тармоқлараро, идоралараро ва ҳудудлараро масалаларни ҳал этиш мақсадида таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни ваколатли давлат органлари ҳамда ташкилотларига тақдим этиш;

коллегиал органлар ишига уларнинг фаолият соҳасига бевосита алоқаси бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг вакилларини жалб этиш.

Коллегиал органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Комиссия, кенгаш, қўмита сифатида ташкил этилган коллегиал органлар ўзлари ташкил этилган ҳужжатлар (ва) ёки улар тўғрисидаги низомлар асосида тегишли қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

9. Коллегиал органлар ўзларига юкланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, шунингдек, тармоқлараро, идоралараро ва ҳудудлараро ҳамкорликнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

4-боб. Коллегиал органларни ташкил этиш ва тугатиш

10. Республика ва ҳудудлараро миқёсдаги коллегиал органлар қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари, топшириқлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан, ҳудудлар миқёсидаги коллегиал органлар эса — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан ташкил этилади.

11. Коллегиал органларни ташкил этиш ҳақидаги қарорлар асосланган бўлиши, уларнинг таркиби эса барча аъзоларнинг самарали иштирокини таъминлайдиган даражада шакллантирилиши лозим.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига коллегиал органларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни кiritишда коллегиал органларни ташкил этиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига тушунтириш хатида ташкил этилиши таклиф этилаётган коллегиал органларга юклатилган вазифаларни шундай органни тузмаган ҳолда амалга ошириб бўлмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар тўлиқ асослантирилган бўлиши лозим.

12. Коллегиал органларни ташкил этишда қуйидагилар тақиқланади:

коллегиал органларга давлат-ҳокимият ваколатларини бериш, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

амалий аҳамиятга эга бўлмаган, шунингдек, давлат бошқарувида, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларнинг юзага келишига сабаб бўладиган коллегиал органларни ташкил этиш ва фаолият юритиши;

коллегиал органларга давлат органлари вазифа ва функцияларининг ўрнини эгаллашга, қабул қилинаётган қарорлар ва аниқ натижаларга эришиш учун жавобгарликнинг сусайишига олиб келувчи такрорловчи ва параллел функцияларни юклаш;

коллегиал органлар ишига уларнинг фаолият соҳасига бевосита алоқа-си бўлмаган давлат органлари ва ташкилотларини жалб этиш.

13. Ҳукумат қарори билан ташкил этилган ва раҳбари томонидан самарасиз фаолият юритаётган деб ҳисобланган коллегиал органлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уларни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

14. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарори билан ташкил этилган ва раҳбари томонидан самарасиз фаолият юритаётган деб ҳисобланган коллегиал органлар бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари уларни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

15. Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан ташкил этилган ва раҳбари томонидан самарасиз фаолият юритаётган деб ҳисобланган коллегиал органлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур коллегиал органларни тугатиш тўғрисида тегиш-лича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига белгиланган тартиб-да таклиф киритади.

5-боб. Коллегиал органларни ташкил этиш заруратини асословчи мезонлар

16. Қуйидагилар коллегиал органларни ташкил этиш заруратини асословчи мезонлар ҳисобланади:

тармоқлараро, идоралараро ва ҳудудлараро мувофиқлаштиришни талаб этувчи масалаларни кўриб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш зарурати;

тармоқлараро, идоралараро ва ҳудудлараро масалаларни ҳал этиш учун таклифлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш зарурати;

ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш борасида уларга ташкилий-амалий, услубий, илмий ва бошқа жиҳатдан кўмаклашиш зарурати.

Мазкур бандда назарда тутилган мезонлар мавжуд бўлмаган ҳолларда коллегиял органларнинг ташкил этилишига йўл қўйилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6-боб. Коллегиал органлар фаолиятининг самарадорлиги учун жавобгарлик ва натижадорликка доир талаблар

17. Коллегиал органлар раҳбарлари мазкур органлар фаолиятини ташкил этиш, юклатилган вазифалар ва функцияларни сифатли бажариш, таркибни янгилаб бориш, шунингдек, юклатилган вазифалар ва функциялар тўлиқ бажарилган ёки самарасиз фаолият юритилган ҳолларда уларни оптималлаштириш ёхуд тугатиш бўйича ўз вақтида тегишли давлат органлари ва ташкилотларига таклиф киритиш юзасидан шахсан жавобгардир.

18. Коллегиал органлар фаолиятининг натижадорлиги улар ташкил этилган пайтдан бошлаб биринчи йил якунлари бўйича қўйидаги мезонларга асосан уларнинг раҳбарлари томонидан баҳоланади:

коллегиал органларни ташкил этиш учун асос бўлган вазифаларнинг бажарилиши сифати;

коллегиал органларнинг ишида уларнинг барча аъзолари самарали иштирокини таъминлаш.

7-боб. Якунловчи қоидалар

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили фаолият юритаётган идоралараро коллегиял органлар фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиб, баҳолаб боради ва таҳлил натижалари бўйича уларни келгусида қисқартириш ва оптималлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди. Бунда бир йилдан узоқ муддат давомида фаолият юритмаган коллегиял органларни тугатиш масаласи мажбурий тартибда кўриб чиқилиши лозим.

20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.

21. Республика миқёсидаги коллегиял органлар фаолияти устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, ҳудудлар миқёсидаги коллегиял органлар фаолияти устидан назорат эса — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

910 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
21 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2070-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2018 йил 16 ноябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 ноябрдаги 920-сон «Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион соҳалар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги Фармониغا асосан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши тугатилганлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 920-сон қарори билан Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланганлиги, шунингдек, Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқини бериш бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат ра-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 ноябрда эълон қилинган.

қами 2070, 2010 йил 20 январь) амалда ўз аҳамиятини йўқотганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2009 йил 25 декабрдаги 4-сон «Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқини бериш бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг (рўйхат рақами 2070, 2010 йил 20 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 3-4-сон, 26-модда) 18-банди ва иловаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 21 ноябрь,
527-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

911 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернатига ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3089*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 459-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернатига ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 октябрь,
286-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 23 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2018 йил
20 октябрдаги 286-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
ихтисослаштирилган мактаб-интернатига ўқувчиларни
ўқишга қабул қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг
ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 459-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернатига (бундан буён матнда мактаб-интернат деб юритилади) ўқувчиларни (бундан буён матнда номзод деб юритилади) қабул қилиш учун танлов ўтказиш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 459-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўқишга ички ишлар органларининг, биринчи навбатда хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган, шунингдек, хизматни ўташ давомида олган ярадорлиги, контузияси, касаллиги ва жароҳатланганлиги оқибатида ногиронликка учраган ёки вафот этган ҳарбий хизматчи ва ходимларининг (бундан буён матнда ходимлар деб аталади) ва бошқа фуқароларнинг умумтаълим муассасаларида 4-синфни тамомлаган фарзандлари (ўғил болалар) ҳар йилги қабул квоталарига мувофиқ танлов асосида қабул қилинади.

Бунда, жамоат тартибини сақлашда, жанговар ҳаракатларда, террорчиликка қарши операциялар ўтказишда, фавқулодда ҳолат тартибини ҳуқуқий таъминлаш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишда иштирок этган вақтда ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандлари ўқишга танловсиз қабул қилинади.

2. Танлов қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

ҳужжатларни тўплаш ва ўрганиш;

орфографик ва пунктуацион саводхонлик даражасини аниқлаш;

умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш;

яқуний тест синовлари.

3. Мактаб-интернатга номзодларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш

мақсадида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернатига номзодларни қабул қилиш бўйича қабул комиссияси (бундан буён матнда қабул комиссияси деб юритилади) тузилади ҳамда қабул комиссиясининг таркиби тасдиқланади.

4. Қабул комиссияси қабул йилининг 1 апрелидан 10 сентябрга қадар фаолият юритади.

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — кадрлар бош бошқармаси бошлиғи қабул комиссияси раиси ҳисобланади.

Қабул комиссияси раиси қабул комиссиясининг ишини ташкиллаштиради, комиссия раиси ўринбосарлари ва аъзоларининг вазифаларини белгилайди, комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда назорат қилади.

Қабул комиссияси таркибига келишув асосида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизимидан тегишли мутахассислар киритилиши мумкин.

6. Қабул комиссияси фаолиятига ҳамда уларнинг ишларини ташкиллаштиришга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ҳамда вилоятлар бошқармаларида (ҳудудий ички ишлар бошқармалари) ишчи гуруҳлар тузилади ва ушбу ишчи гуруҳларнинг таркиби тасдиқланади.

7. Ишчи гуруҳлар таркибига ҳудудий ички ишлар бошқармаларининг Кадрлар билан ишлаш бошқармаси (бўлими) бошлигининг ўринбосари, Ўз хавфсизлиги, Юридик таъминлаш бўлинмалари масъул ходимлари ҳамда Ҳарбий-тиббий комиссия раиси киритилиши зарур.

8. Мактаб-интернатга ўқишга муносиб номзодларни танлаб олишни ташкил этиш учун ҳудудий ички ишлар бошқармалари ишчи гуруҳлари томонидан мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади. Тарғибот-ташвиқот ишлари умумий ўрта таълим муассасаларида, аҳоли турар жойларида ва ички ишлар органларида учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

9. Мактаб-интернатга ўқишга қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан танлов эълон қилинади ва оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг расмий веб-сайтида берилади. Эълонда қабул қилиш шартлари ҳамда танловларни ўтказиш муддатлари кўрсатилиши лозим.

10. Фарзандлари мактаб-интернатга ўқишга кириш истагини билдирган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар доимий яшаш жойидаги ҳудудий ички ишлар бошқармаларига мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади.

Фарзандлари мактаб-интернатга ўқишга кириш истагини билдирган ходимлар бевосита ички ишлар органларининг раҳбарларига билдирги билан мурожаат қилади.

Аризалар қабул йилининг 15 апрелидан 1 июнь кунига қадар қабул қилинади.

2-боб. Хужжатларни қабул қилиш, ўрганиш ва юбориш

11. Фарзандлари мактаб-интернатга ўқишга кириш истагида бўлган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳамда ходимлар мазкур Низомнинг 10-бандидаги ариза ёки билдирги билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

номзод тўғрисидаги маълумотлар анкетаси;

номзоднинг 3 x 4 см ўлчамдаги 6 та, 9 x 12 см ўлчамдаги 2 та рангли фотосуратлари (бош кийимсиз);

номзоднинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасининг нусхаси;

номзоднинг ота-онаси (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) паспорти нусхалари;

ходимнинг ногиронлиги ёки унинг ўлимини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари (агар мавжуд бўлса);

жамоат тартибини сақлашда, хизмат вазифаларини бажариш чоғида ярадорлик, контузия, шикастланиш ёки касалликлар оқибатида ногирон бўлиб қолган ходимнинг тиббий-меҳнат эксперт комиссияси томонидан берилган ногиронлиги ҳақидаги маълумотнома (хулоса) нусхаси.

Номзоднинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

12. Мактаб-интернатга ўқишга кириш истагида бўлган номзодларнинг ҳужжатлари қабул қилиниб, уларга мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда икки нусхада маълумотнома расмийлаштирилади. Биринчи нусхаси номзоднинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга имзо орқали тақдим этилади ҳамда иккинчи нусхаси номзоднинг ҳужжатларига бириктирилади.

13. Ишчи гуруҳ томонидан ҳужжатлар йиғилгандан сўнг ўқувчилар 10 июндан 20 июнь кунига қадар ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасасида ташкил этилган тиббий комиссия томонидан кўриқдан ўтказилади.

Тиббий кўриқдан ўтказишда ўқувчининг антропометрик кўрсаткичлари (тана вазни, бўйининг узунлиги ва кўкрак қафаси айланаси), функционал имкониятлари ва соғлиғидаги мавжуд нуқсонлари аниқланади.

Тиббий кўриқ натижаларига кўра соғлом деб топилган ўқувчилар танловнинг кейинги тадбирларига қўйилади.

14. Ишчи гуруҳ масъул ходимлари томонидан номзодларнинг ҳужжатлари қабул йилининг 25 июнь кунига қадар қабул комиссиясига юборилади.

15. Ишчи гуруҳ 11-бандда кўрсатилган ҳужжатлар билан биргаликда ходимлар томонидан тақдим этилган қуйидаги ҳужжатларни номзодларнинг йўғма жилдига бириктирилишини таъминлайди:

ходимга бевосита бошлиғи (командир) томонидан берилган тавсифнома;

ходимнинг маълумотнома-объективкаси (ҳудудий ички ишлар бошқармаларининг кадрлар билан ишлаш бошқармаси (бўлими) томонидан имзоланган ҳолда);

номзодга ҳужжатлари қабул қилиб олинганлиги ҳақида берилган маълумотнома;

хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида ҳалок бўлган, шунингдек, хизматни ўташ давомида олган ярадорлиги, контузияси, касаллиги ва жароҳатланганлиги оқибатида ногиронликка учраган ёки вафот этган ходимларга нисбатан тегишли ички ишлар органи томонидан ўтказилган хизмат текшируви хулосаси нусхаси (муҳр билан тасдиқланган);

Мактаб-интернатга ўқишга киришда имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

Мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги номзодни ўқишга юбориш ҳақидаги хулоса.

3-боб. Танлов тадбирларини ва тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш

16. Мактаб-интернатда танлов тадбирлари бошланишидан камида беш кун олдин қабул комиссияси томонидан танлов тадбирлари ўтказиш муддатлари белгиланган режа-жадвал ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Мазкур режа-жадвал мактаб-интернатнинг қабул комиссияси эълонлар тахтасига ҳаммага кўриш учун қулай бўлган ҳолда жойлаштирилади, шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади ҳамда ишчи гуруҳларига номзодларнинг белгиланган муддатларда етиб келишларини таъминлаш учун юборилади.

17. Ёзма иш (диктант), умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича танлов тадбирлари ўтказиш муддати белгиланган режа-жадвалга асосан ўтказилади.

Умумтаълим фанлари бўйича тест синовлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан (бундан буён матнда Давлат тест маркази деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишилган муддатда қабул йилининг 15 августидан 25 август кунига қадар ўтказилади.

18. Ёзма иш (диктант) ўтказиш қабул комиссияси таркибига киритилган мутахассислар томонидан режа-жадвалда белгиланган муддатда мазкур Низомнинг 4-иловасида келтирилган методикага мувофиқ ўтказилади.

Ёзма иш (диктант) ўтказиш бўйича қабул комиссияси таркибига мактаб-интернат мутахассислари киритилади, шунингдек комиссия таркибига умумий ўрта таълим муассасаларининг мутахассислари келишув асосида таклиф қилиниши мумкин.

19. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражасини баҳолаш қабул комиссияси таркибига киритилган мутахассислар томонидан режа-жадвалда белгиланган муддатда мазкур Низомнинг 5-иловасида келтирилган методикага мувофиқ ўтказилади.

20. Қабул комиссияси таркибидаги номзоднинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашда қабул комиссияси таркибига мактаб-интернат ва ҳудудий ички ишлар органларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассислари киритилади. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний

тарбия ва спорт вазирлиги тизимидан келишув асосида мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

21. Қабул комиссияси томонидан ёзма иш (диктант) ҳамда умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш босқичларининг натижалари бўйича Низомнинг 6-иловасига мувофиқ баённома расмийлаштирилиб, 6 баллдан кам тўплаган номзодлар Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларига киритилмайди.

22. Номзодларни умумтаълим фанлари бўйича (она тили ва адабиёт ҳамда математика) билимини баҳолаш Давлат тест маркази томонидан тест синовлари асосида ўтказилади.

23. Номзодлар ёзма иш (диктант) ва умумжисмоний тайёргарлик синовлари натижаларидан келиб чиқиб қабул комиссияси томонидан шакллантирилган рўйхат асосида тест синовларига киритилади.

24. Тест синовлари умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари доирасида ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида ўтказилади.

25. Тест синови материаллари Давлат тест маркази томонидан бошланғич ва умумий ўрта таълим соҳасидаги етакчи мутахассислар жалб этилган ҳолда Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда шакллантирилади. Тест саволлари давлат таълим стандартида бошланғич синф битирувчи ўқувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимал талаблар доирасида тузилади.

26. Мактаб-интернатнинг тест синовлари 1 соат (60 дақиқа) давом этади. Тест синовлари бошланишига қадар 20 дақиқагача тушунтириш ишлари ўтказилади, бу вақт тест ўтказиш учун ажратилган вақт меъёрига кирмайди.

27. Номзодларга таълим соҳалари бўйича она тили ва адабиётдан (ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида) 20 та, математикадан 10 та, жами 30 та тест саволлари берилади. Тест саволлари она тили ва адабиётдан берилган ҳар бир тўғри жавоб учун «2,1» балл билан ва математикадан берилган ҳар бир тўғри жавоб учун «1,1» балл билан баҳоланади.

28. Номзодлар тест синовларига туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ берилган маълумотнома билан киришига рухсат берилади.

29. Тест синовларига белгиланган муддатда келмаган номзодлар учун қўшимча тест синовлари ўтказилмайди.

30. Тест синовлари ўқишга қабул қилишнинг ҳал қилувчи босқичи ҳисобланиб, ходимлар ва бошқа фуқаролар учун ажратилган қабул квоталари доирасида тест синовлари натижаси бўйича тўпланган баллардан келиб чиққан ҳолда навбатдаги кетма-кетлик тартибига мувофиқ номзодлар танлаб олинади.

31. Тест синовлари натижалари Давлат тест маркази томонидан қабул комиссиясига тақдим этилади.

32. Қабул комиссияси тест синовлари натижаларига қўра ўқишга кирган номзодлар рўйхатини тузади ҳамда мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги баённомани расмийлаштиради.

33. Ўқишга қабул қилинган номзодлар рўйхати ва уларнинг тест синов натижалари эълонлар тахтасига ҳамма кўриши учун қулай бўлган ҳолда жойлаштирилади.

34. Мактаб-интернат томонидан қабул йилининг 30 августидан кечиктирмаган ҳолда номзодлар ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ чиқарилади.

4-боб. Танлов тадбирлари бўйича муурожаатларни кўриб чиқиш

35. Номзод, унинг ота-онаси (ёки унинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан берилган мактаб-интернатга ўқишга қабул қилиш билан боғлиқ муурожаатлар қабул комиссияси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

36. Танлов натижалари юзасидан номзоднинг муурожаатларини қисқа муддатда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ўринбосари — кадрлар бош бошқармаси бошлиғи раислигида апелляция комиссияси тузилади.

37. Апелляция комиссияси таркибига қабул комиссия фаолиятида иштирок этмаган Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси ва мактаб-интернатнинг тегишли мутахассис ходимлари киритилади, шунингдек, муурожаатнинг мазмунидан келиб чиқиб келишувга асосан Халқ таълими вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт ишлари вазирликларининг ҳудудий бўлинмаларидан мутахассислар таклиф қилиниши мумкин.

38. Апелляция комиссиясига ариза ва шикоятлар танлов натижалари эълон қилинган кундан эътиборан 3 иш кунида қабул қилинади.

39. Апелляция комиссияси қабул қилинган ариза ва шикоятларни 3 иш кунидан кечиктирмасдан муурожаат қилган номзод, унинг ота-онаси (ёки унинг ўрнини босувчи шахслар) иштирокида кўриб чиқади.

40. Тест синовлари натижаси бўйича берилган апелляция шикоятлари апелляция комиссияси томонидан қабул қилиб олинган куни Давлат тест марказига юборилади.

Тест синовлари натижаси бўйича берилган апелляция шикоятлари Давлат тест маркази томонидан 3 иш куни ичида кўриб чиқилади ва натижалари Ички ишлар вазирлигига юборилади.

5-боб. Якуний қоидалар

41. Номзодлар ёзма иш (диктант), умумжисмоний тайёргарлик, тест синовларига тайёрланиш ва уларни топшириш даврида турар жой билан таъминланмайди, шунингдек, мактаб-интернатга келиб-кетиши, яшаши ва овқатланиши билан боғлиқ барча сарф-харажатлар уларнинг ўз ҳисобидан амалга оширилади.

42. Номзодни ўқишга қабул қилиш учун асос бўлган ҳужжатлар унинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдида сақланади.

43. Ўқишга қабул қилинмаган номзодларнинг ҳужжатлари 10 кунлик муддатда ҳудудий ички ишлар бошқармаларига қайтариб юборилади. Қабул қилинган номзодларнинг ҳужжатлари мактаб-интернатда сақланади.

44. Шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини номзоднинг қўлига ёки унинг ота-онасига (унинг ўрнини босувчи шахсларга) бериш тақиқланади.

45. Мазкур Низом талаблари бузилган тақдирда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

46. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 17 октябрь

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

2018 йил 17 октябрь

Жисмоний тарбия ва спорт вазири

Д. НАБИЕВ

2018 йил 18 октябрь

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори

М. КАРИМОВ

2018 йил 18 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-
интернатига ўқувчиларни ўқишга қабул
қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг
ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

_____га
(ички ишлар органи бошлиғи Ф.И.О.)

_____да
(номзоднинг яшаш жойи)

ЯШОВЧИ _____дан
(номзоднинг отаси ёки онасининг Ф.И.О.)

А Р И З А

Менинг фарзандим _____га
(номзоднинг туғилган йили Ф.И.О.)

ўқишга кириш учун ҳужжатларини расмийлаштиришга ҳамда ўқишга қабул қилиш учун ўтказиладиган танловларда иштирок этишига рухсат беришингизни сўрайман.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернатига таълим олиш шарт-шароитлари, тартиб-интизомга риоя этиш қоидалари ва имтиёзлари билан таништирилдим.

Ўтказиладиган танловларни фарзандим _____ тилида топширади.
(ўзбек, рус ва қорақалпоқ)


(имзо)

(Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-
интернатига ўқувчиларни ўқишга қабул
қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг
хужжатларини расмийлаштириш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

МАЪЛУМОТНОМА



М.Ў.

(номзоднинг Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган
мактаб-интернатига _____ да ўқишга номзод
(худудий ички ишлар органининг номи)

сифатида рўйхатга олинди.

Худудий ички ишлар
органлари ишчи
гуруҳларининг раҳбари

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-
интернатига ўқувчиларни ўқишга қабул
қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг
ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби
тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(ички ишлар органи бошлигининг унвони, Ф.И.О. ва имзоси)

20 ____ йил « ____ » _____

**Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ихтисослаштирилган
мактаб-интернатига номзод _____ ни
ўқишга қабул қилиш учун ўтказиладиган танловларда иштирок
этиш учун юбориш тўғрисида
ХУЛОСА**

_____нинг фарзанди

(фуқаро ёки ходимнинг (ота-онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахслар тўғрисидаги)

_____ тумани _____-сонли умумий ўрта таълим мактабининг
ўқувчиси _____ номзоди Ўзбекистон

(номзоднинг Ф.И.О.)

**Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мак-
таб-интернатига ўқишга қабул қилиш учун ўтказиладиган танлов-
да иштирок этиш масаласи ўрганиб чиқилди.**

1. Номзодни ўрганиш натижалари: (номзод тўғрисидаги маълумотлар
анкета, ИИО ходимнинг фарзанди ёки хизмат вақтида ҳалок бўлган ходим
ҳақидаги қисқача маълумотлар киритилади)

2. Номзод бўйича яқуний хулоса:

_____ (масъул шахснинг лавозими ва унвони)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (масъул шахснинг лавозими ва унвони)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (ИИО тиббиёт бўлими раҳбарининг лавозими ва унвони)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (ишчи гуруҳ раҳбарининг лавозими ва унвони)

_____ (Ф.И.О.)

20 ____ йил « ____ » _____

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-
интернатига ўқувчиларни ўқишга қабул
қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг
хужжатларини расмийлаштириш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Ўзма иш (диктант) ўтказиш МЕТОДИКАСИ

I. Умумий қоидалар

1. Номзодларнинг орфографик ва пунктуацион саводхонлик даражасини аниқлаш учун ҳажми 75 — 80 та сўздан иборат бўлган ёзма иш (диктант) олинади.
2. Диктант қабул комиссияси томонидан мактаб-интернат биносида ўтказилади.
3. Диктантнинг мавзулари ва матнлари қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.
4. Диктантнинг тасдиқланган мавзу ва матнлари қабул комиссияси қотибида сақланади ва уларнинг ошқор қилинмаслиги учун шахсан масъул ҳисобланади.
5. Диктант ўтказилаётган аудиторияга китоб, луғат, уяли телефон, телекоммуникация воситаси, шпаргалка ва ёзувларни ўчиришга мўлжалланган ручкаларни олиб кириш тақиқланади.

II. Диктант ўтказиш тартиби

6. Диктант бошланишидан олдин қабул комиссияси аъзолари томонидан номзодларга диктант ўтказиш тартиби тушунтирилади ҳамда рақамланган (рўйхатдан ўтказилган) дафтарлар тарқатилади.
7. Номзод рақамланган дафтарнинг устки қисмига ўзининг фамилияси, исми ва отасининг исмини ёзади.
8. Қабул комиссияси аъзолари томонидан номзодларга диктант матни бир маротаба тушунарли ҳолда тўлиқ ўқиб эшиттирилади ҳамда шу кунги сана ва диктант мавзуси доскада номзодларга тушунарли қилиб ёзиб қўйилади. Диктант матни тўлиқ ўқиб эшиттирилгандан кейин номзодлар диктантни ёзишга тайёрланади.
9. Диктант ёзиш бошланганда қабул комиссияси аъзоси диктант матнини секин бирма-бир ўқиб беради.
- Бунда 1 та гап ўқиб эшиттирилади ва номзод ўқиб эшиттирилган гапни ёзишга киришади.
10. Ўқиб эшиттирилган гапни номзодлар ёзиб бўлганидан кейин ушбу

гап қабул комиссияси аъзоси томонидан яна бир маротаба ўқиб берилади. Диктант ёздириш шу тарзда давом этади.

11. Номзодлар диктантни ёзиб тугатгандан кейин унга берилган рақамланган дафтарларни қабул комиссияси аъзосига топшириб аудиторияни тарк этадилар.

12. Қабул комиссияси аъзоси номзодлардан қабул қилиб олинган рақамланган дафтарларни текшириш учун топширади.

13. Аудиторияда номзодларга диктант ёздирган қабул комиссияси аъзоси томонидан шу аудиториядаги номзодлар ёзган диктантларни текширишига йўл қўйилмайди.

14. Қабул комиссия аъзоси (мутахассислар) номзодларнинг ёзган диктантларини шу куннинг ўзида мазкур Методиканинг 1-иловасида назарда тутилган баҳолаш мезонларига асосан баҳолаб, ҳар бир рақамланган дафтарга ўзининг фамилияси, исми ва отасининг исмини ёзиб, текширган санани ва имзосини қўяди.

15. Номзодларга диктантни қайта топширишга рухсат берилмайди.

III. Яқуний қоидалар

16. Диктант натижалари бўйича қабул комиссияси томонидан шу куннинг ўзида мазкур Методиканинг 2-иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

17. Ёзма иш (диктант) натижаларини шу куннинг ўзида мактаб-интернат қабул комиссиясининг эълонлар тахтасига жойлаштириш орқали номзодлар эътиборига етказилади.

18. Қайднома ёзма ишни ўтказишда иштирок этган қабул комиссияси аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида номзодларнинг рақамланган дафтарлари қабул комиссияси котибига топширилиши таъминланади.

Ёзма иш (диктант) ўтказиш методикасига
1-ИЛОВА

Диктант натижаларини баҳолаш МЕЗОНЛАРИ

1. Номзодлар томонидан ёзилган диктант «5» баллик тизимда баҳоланади.
Диктант:

1 тагача орфографик ёки пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — «5» балл билан баҳоланади;

2 тадан 4 тагача орфографик ва пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — «4» балл билан баҳоланади;

5 тадан 10 тагача орфографик ва пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — «3» балл билан баҳоланади;

11 та ва ундан ортиқ орфографик ва пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — «2» балл билан баҳоланади.

Номзод дафтарни диктант ёзилмаган бўш ҳолда топширганда у «0» балл билан баҳоланади.

2. Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда диктантдаги хатоликлар 1 та хато деб ҳисобланади:

5 та ўринда «х» ёки «ў» ҳарфлари ўрнида тегишлича «х» ёки «у» ҳарфлари ёзилган бўлса;

кириш сўзларнинг (масалан, дарвоқе, дарҳақиқат) ёзилишида 6 тагача пунктуацион хатоликка йўл қўйилган бўлса;

қаратқич белгиси 3 тагача сўзда нотўғри қўлланилган бўлса.

3. Қуйидагилар хато деб ҳисобланмайди:

тасодифий хатолар (масалан, «тушунмоқ» сўзи барча ўринларда тўғри ёзилган бўлса);

такрорий хатолар (масалан, «қутулмоқ» сўзи 5 тагача ўринда «кутилмоқ» тарзида қўлланилган бўлса);

сўз кўчиришдаги хатолар (масалан, воқе-а ёки октя-брь);

айрим атамаларнинг ёзилишидаги хатолар (масалан, Чўлпон ота — Чўпон ота, Сайхунобод — Сайхун-обод).

4. Диктантдаги тузатишлар миқдори 5 тадан ортиқ бўлса, баҳо бир баллга пасайтирилади.

5. Агар диктантда уч ва ундан ортиқ тузатиш бўлса, «5» балл қўйилмайди.

Ёзма иш (диктант) ўтказиш методикасига
2-ИЛОВА

**Диктант ўтказиш натижалари бўйича
ҚАЙДНОМА**

20__ йил «____» _____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Хатоларнинг умумий сони	Номзоднинг диктантга қўйилган балл
1.			
2.			
3.			
...			

Қабул комиссияси аъзолари:

_____	_____
(Ф.И.О.)	(имзо)
_____	_____
(Ф.И.О.)	(имзо)
_____	_____
(Ф.И.О.)	(имзо)
_____	_____
(Ф.И.О.)	(имзо)
_____	_____
(Ф.И.О.)	(имзо)
_____	_____
(Ф.И.О.)	(имзо)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-
интернатига ўқувчиларни ўқишга қабул
қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг
хужжатларини расмийлаштириш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш МЕТОДИКАСИ

I. Умумий қоидалар

1. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражаси уларнинг мазкур Методикада назарда тутилган тегишли машқларни бажаришини текшириш орқали баҳоланади.

Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирлари зарур даражада жиҳозланган ёпиқ жойларда (заллар, майдончалар ва ҳ. к.) ўтказилади.

2. Жисмоний тайёргарлик машқларини бажариш бошланишидан олдин номзодларга дастлаб машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар ҳамда машқларни бажариш тартиби қабул комиссияси таркибига киритилган мутахассислар томонидан тушунтирилади.

3. Номзодлар умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирларида спорт кийимида бўлиши лозим.

4. Номзодлар қўйидаги машқларни бажаради:

тўсинда (турникда) тортилиш;

60 метрга югуриш;

1000 метрга югуриш.

5. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирлари зарур даражада жиҳозланган очиқ ва ёпиқ жойларда (заллар, майдончалар ва ҳ. к.) ўтказилади.

6. Умумжисмоний тайёргарлик машқларини бажариш оралиғида номзодларга дам олиш учун камида 10 дақиқа вақт берилади.

7. Белгиланган машқларни узрсиз сабабларга кўра топширмаган номзодлар қониқарсиз баҳоланади.

8. Номзодларга умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовлардан қайта ўтишга рухсат берилмайди.

II. Машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар

9. Тўсинда (турникда) тортилиш машқини бажаришда:

бош бармоқ поя ичкарисидан ушланади, тана бироз ростланади, тизза бўғими тўғирланади, оёқ учлари чўзилади, товонлар бирлаштирилади;

ияк турник поясидан ўтгунга қадар қўллар букилади; ҳаракат тўлиқ амалга оширилиши билан дастлабки ҳолатга қайтилади (осилиш ҳолати 1-2 сония давом этади).

Ушбу машқни бажаришда оёқларни букиш ва кериш, танани ҳаракатсиз ҳолатда эгиш ҳамда оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

10. 60 метрга югуриш машқи:

юқори ёки қуйи стартдан амалга оширилади;

стадионнинг югуриш йўлакчаси ёки қаттиқ қопламли текис жойларда ўтказилади.

11. 1000 метрга югуриш машқлари стадионнинг югуриш йўлакчалари ёки текис жойларда, умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади.

Старт ва марра чизиқлари бир жойда белгиланиши мумкин.

12. Жисмоний тайёргарлик машқларини бажарган номзодлар шу вақтнинг ўзида қабул комиссияси аъзолари томонидан мазкур методиканинг 1-иловасида назарда тутилган баҳолаш мезонларига асосан баҳоланади.

III. Яқуний қоидалар

13. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Методиканинг 2-иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

14. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натижалари шу куннинг ўзида мактаб-интернатнинг эълонлар тахтасига жойлаштириш орқали номзодлар эътиборига етказилади.

15. Қайднома қабул комиссиясининг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашда иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг масъул котибига топширилади.

Умумжисмоний тайёргарлик даражасини
баҳолаш методикасига
1-ИЛОВА

**Умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш
бўйича синовни баҳолаш
МЕЗОНЛАРИ**

1. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натижалари «5» баллик тизимда қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

Машқлар номи	Бажариш кўрсаткичи	Синов натижаларини баҳолаш мезонлари			
		5 балл	4 балл	3 балл	0 балл
Ўғил болалар					
тўсинда (турникда) тортилиш	марта	6	4	2	2 дан кам
60 метрга югуриш	Сония (сек.)	10,0 гача	10,1 дан 10,6 гача	10,7 дан 11,2 гача	11,3 дан ортиқ
1000 метрга югуриш	дақиқа (мин: сек)	5,50 гача	5,51 дан 6,10 гача	6,11 дан 6,50 гача	6,50 дан ортиқ

2. Номзод жисмоний тайёргарлик машқларини бажаргандан сўнг, унга ҳар бир машқ учун қўйилган баллари умумлаштирилиб номзодга ўртача арифметик балл қўйилади. Бунда жисмоний тайёргарлик машқлари учун қўйилган баллар йиғиндиси қуйидагича ҳисобланади:

14 — 15 балл тўплаганда — «5» балл;

11 — 13 балл тўплаганда — «4» балл;

6 — 10 балл тўплаганда — «3» балл;

6 дан кам тўплаганда — «0» балл.

3. Номзод жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовда 2 та машқни «0» баллга бажарганда, номзодга «0» балл қўйилади.

Умумжисмоний тайёргарлик даражасини
баҳолаш методикасига
2-ИЛОВА

**Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини
аниқлаш бўйича синов натижалари юзасидан
ҚАЙДНОМА**

20__ йил «___» _____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Машқлар бўйича синов натижалари						Номзоднинг ўртача арифметик бали
		турникда тортилиш		100 метрга югуриш		1000 метрга югуриш		
		натijasи	балл	натijasи	балл	натijasи	балл	
1.								
2.								
3.								
...								

Қабул комиссияси аъзолари: _____ (Ф.И.О.) _____ (ИМЗО)

_____ (Ф.И.О.) _____ (ИМЗО)

_____ (Ф.И.О.) _____ (ИМЗО)

_____ (Ф.И.О.) _____ (ИМЗО)

_____ (Ф.И.О.) _____ (ИМЗО)

_____ (Ф.И.О.) _____ (ИМЗО)

_____ (Ф.И.О.) _____ (ИМЗО)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-
интернатига ўқувчиларни ўқишга қабул
қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг
хужжатларини расмийлаштириш тартиби
тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(Қабул комиссияси раисининг унвони, Ф.И.О. ва имзоси)

20 ____ йил « ____ » _____

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
ихтисослаштирилган мактаб-интернатига ўқишга қабул
қилиш бўйича қабул комиссиясининг йиғилиш
БАЁННОМАСИ
____-сон**

20__ йил « ____ » _____

(йиғилиш ўтказилган хууд номи)

Раислик қилувчи:

_____ (қабул комиссияси раисининг унвони ва Ф.И.О.)

Қатнашганлар:

_____ (қабул комиссияси аъзолари)

КУН ТАРТИБИ:

**Номзодларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест
синовларига қўйиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида**

қабул комиссияси ихтисослаштирилган мактаб-интернатига номзодлар-
нинг ёзма иш (диктант) ва умумжисмоний тайёргарлик танлов босқичлари-
нинг натижаларини кўриб чиқиб, йиғилиш **қарор қилади:**

Т/р	Номзоднинг Ф.И.О.	Ёзма иш (диктант) натijasи	Умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натijasи	Умумий балл	Тест синовига қўйилганлиги ёки қўйилмаганлиги ҳақида ёзув
1.					
2.					
3.					
...					

Қабул комиссияси
котиби

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Қабул комиссияси
аъзолари:

(имзо)	(Ф.И.О.)
(имзо)	(Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-
интернатига ўқувчиларни ўқишга қабул
қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг
ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби
тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

(Қабул комиссияси раисининг унвони, Ф.И.О. ва имзоси)

20 ____ йил «____» _____

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг
ихтисослаштирилган мактаб-интернатига ўқишга қабул
қилиш бўйича қабул комиссиясининг йиғилиш
БАЁННОМАСИ
____-сон**

20__ йил «____» _____
(Йиғилиш ўтказилган ҳудуд номи)

Раислик қилувчи: _____
(қабул комиссияси раисининг унвони ва Ф.И.О.)

Қатнашганлар: _____
(қабул комиссияси аъзолари)

КУН ТАРТИБИ:

**Номзодларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирли-
гининг ихтисослаштирилган мактаб-интернатига ўқишга қабул
қилиш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирил-
ган мактаб-интернатига номзодларни қабул қилиш бўйича қабул комиссия-
си ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дав-

лат тест маркази томонидан ташкил этилган тест синовлари натижаларига асосан, йиғилиш **қарор қилади:**

Т/р	Номзоднинг Ф.И.О.	Номзоднинг махус код	Тест синовларида тўплаган бали	Имтиёз	Умумий балл	Ўқишга қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаганлиги ҳақидаги ёзув
1.						
2.						
3.						
...						

Қабул комиссияси
котиби

(имзо)

(Ф.И.О.)

Қабул комиссияси
аъзолари:

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

912 Уюшган биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1384-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини му-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 24 ноябрда эълон қилинган.

вофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2004 йил 10 июндаги 2004-13-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1384, 2004 йил 16 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил 28-сон, 325-модда) билан тасдиқланган Уюшган биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош директор

Б. АТАХАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 19 октябрь,
2018-11-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги
Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлашти-
риш ва ривожлантириш маркази бош
директорининг 2018 йил 19 октябрдаги
2018-11-сон буйруғига
ИЛОВА

Уюшган биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Муқаддиманинг биринчи хатбошиси «корпоратив облигациялар» деган сўзлардан кейин «, инфратузилма облигациялари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 1-бандда:

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**мижоз инвестиция воситачиси** — тузилган шартномага мувофиқ мижозга брокерлик ва депозитар хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачиси;»;

ўн тўртинчи хатбошидаги «мижоз депозитарийси» деган сўзлар «мижоз инвестиция воситачиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 5¹-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5¹. Уюшган биржадан ташқари бозордаги савдоларга қўйишга фонд биржасининг биржа котировкалаш варағида мавжуд бўлмаган қимматли қоғозларга рухсат берилади.».

4. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Агар биржадан ташқари савдолар ташкилотчисининг қоидаларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, биржадан ташқари савдолар ташкилотчиси БТСТда рўйхатдан ўтказилган мижозларгагина хизмат кўрсатиши мумкин.».

5. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Мижоз қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотишга буюртмаларни биржадан ташқари савдолар ташкилотчисининг ёки шеригининг исталган БҚҚПларидан бирига, шунингдек, махсус веб-илова орқали топшириши мумкин. Бунда мижознинг БТСТдаги идентификацион рақами ўзгармайди.

Буюртмалар мижоз инвестиция воситачиси томонидан БҚҚП орқали топширилган тақдирда, буюртмага мижоз ва инвестиция воситачиси ўртасидаги инвестиция воситачисига мижознинг номидан буюртмалар бериш ҳуқуқини назарда тутувчи шартнома нусхаси илова қилинади.».

6. 16-банддаги «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда» деган сўзлар «, агар биржадан ташқари савдолар ташкилотчисининг қоидаларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса,» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 17-банддаги «рўйхатдан ўтказилган мижозлар тўғрисида маълумотларнинг» деган сўзлар «мижозлар томонидан қимматли қоғозларни сотиб олиш (сотиш)га берилган буюртмалар ва савдолар яқунларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Мижоз ва (ёки) мижознинг инвестиция воситачиси уюшган биржадан ташқари бозорда битимларни амалга ошириши учун буюртмаларни биржадан ташқари савдолар ташкилотчисининг қоидаларида белгиланган шаклда ва тарзда бериши шарт.».

9. 21-бандда:

биринчи хатбоши «Буюртмада» деган сўздан кейин «, агар биржадан ташқари савдолар ташкилотчисининг қоидаларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «депозитарийдаги» деган сўз «инвестиция воситачисидagi» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбоши «мижознинг имзоси» деган сўзлардан кейин «(буюртмаларни электрон шаклда киритиш ҳоллари бундан мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

10. 23-банддаги «мижоз депозитарийсига», «мижоз депозитарийсининг» ҳамда «мижоз депозитарийси» деган сўзлар тегишли равишда «мижоз инвестиция воситачисига», «мижоз инвестиция воситачисининг» ҳамда «мижоз инвестиция воситачисининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11. 23¹ ва 24-бандлардаги «мижоз депозитарийсидаги», «мижоз депозитарийсига» ва «мижоз депозитарийси» деган сўзлар тегишли равишда «мижоз инвестиция воситачисидagi», «мижоз инвестиция воситачисига» ва «мижоз инвестиция воситачиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 25-банднинг иккинчи хатбошиси «беришга» деган сўздан кейин «, шу жумладан» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

13. 26-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошиларидан «биржадан ташқари савдолар ташкилотчисининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мижоз инвестиция воситачисининг депо ҳисобварағида (ҳужжатсиз қимматли қоғозлар учун) буюртмада сотиш учун кўрсатилган ҳажмда қимматли қоғозлар мавжудлигини таъминлаши;».

14. 27-бандда:

бешинчи ва олтинчи хатбошилардаги «мижоз депозитарийсига» ва «депозитарийлар» деган сўзлар тегишли равишда «мижоз инвестиция воситачисига» ва «инвестиция воситачилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тақдим этилган буюртмалар ҳақидаги барча маълумотларни (мижоз тўғрисидаги маълумотлар бундан мустасно) оммавий эълон қилиш.».

15. 28-банднинг ўн еттинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«инвестиция воситачисидаги мижознинг депо ҳисобварағига қимматли қоғозларнинг қайтарилишини таъминлаши (ҳужжатсиз қимматли қоғозлар учун) шарт.».

16. 33-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. 34-банд «БҚҚП» қисқартмасидан кейин «ҳамда инвестиция воситачилари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

18. 35-банднинг иккинчи хатбошисидаги «мижоз депозитарийсининг» деган сўзлар «мижоз инвестиция воситачисининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. 38 ва 39-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38. Клиринг амалга оширилгандан сўнг қимматли қоғозларга доир битимлар натижалари бўйича пул маблағларининг ҳисоб-китоблари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан амалга оширилади.

39. Клиринг амалга оширилгандан сўнг қимматли қоғозларга доир битимлар натижалари бўйича қимматли қоғозлардаги ҳисоб-китоблар хизмат кўрсатувчи депозитарий ва (ёки) инвестиция воситачиси томонидан амалга оширилади.».

20. 40-банддаги «депозитарийларнинг» деган сўз «инвестиция воситачиларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. 43 — 45-бандлардаги «мижоз депозитарийси» деган сўзлар «мижоз инвестиция воситачиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. 46-банддаги «, мижоз депозитарийси» деган сўзлар «ва мижоз инвестиция воситачиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 17 ноябрдан 23 ноябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 21 ноябрдаги 527-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 21 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2070-1.

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 20 октябрдаги 286-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернатига ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3089.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2018 йил 19 октябрдаги 2018-11-сон «Уюшган биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1384-7.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини хўжалик юритувчи субъектларда текшириш ўтказиш ҳуқуқини бериш бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг 18-банди ва иловаси (рўйхат рақами 2070, 2010 йил 20 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 21 ноябрдаги 527-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.